

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

МУРОДОВА ФАРАНГИЗ НАБИЖОН ҚИЗИ

**ЕТУКЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

5210200 Психология (умумий психология)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий рахбар : психология фанлари
номзоди доцент Х.А.Рухиева

Тошкент – 2018

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3-7
I. БОБ. ШАХС ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ	
1.1. Шахс ҳақидаги замонавий назариялар таҳлили.....	8-14
1.2. Ҳозирги замон психологияси фанида ёш даврларини табақалаш муаммоларига илмий-назарий ёндашувлар.....	15-25
1.3. Онтогенезда етуклик даврининг шахсий, ижтимоий-психологик ва физиологик хусусиятлари.....	26-36
Боб бўйича хулоса.....	37
II. БОБ. ЕТУКЛИК ДАВРИДА ШАХСИЙ ҲАЁТ ЙЎЛИ МАЗМУНИНИ ЎРГАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ШАРТЛАРИ	
2.1. Етук инсонлар ҳаёти мазмуни ва акмеологик хусусиятларини ўрганишнинг психологик шартлари	38-43
2.2. Етуклик даврида ижтимоий омилларнинг аҳамияти.....	44-54
2.3. Етуклик даврининг характери ва камол топишининг ўзига хос хусусиятлари.....	44-57
Боб бўйича хулоса.....	58
III. БОБ. ЕТУКЛИК ДАВРИНИ ЭМПИРИК ЎРГАНИШ	
3.1. Эмпирик тажрибалар ва олинган маълумотларнинг миқдор ва сифат таҳлили.....	59-73
Тавсиялар	
Боб бўйича хулоса.....	74
ХУЛОСА.....	75-76
АДАБИЁТЛАР РЙХАТИ.....	77-78
ИЛОВА.....	79-82

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритиб, буюк келажак сари юз тутган ҳозирги даврда озод юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётида кўплаб ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлмоқда. Жумладан, миллий кадриятларимизнинг тикланиши, ўзлигимизни англаш, янгича ижтимоий онгнинг шаклланиши, мулкчиликнинг янги шаклларига ўтиш, ишлаб чиқаришда янгича технологияларнинг жорий этилаётганлиги ва иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши каби катор ижобий ўзгаришлар фикримиз далилидир.

Ҳар қандай мамлакатнинг порлоқ келажаги, унда истикомат қилаётган барча фуқароларнинг фаровон турмуш-ҳаёти кўп жиҳатдан айна шу юртнинг иқтисодий-ижтимоий потенциали, мавжуд моддий техника базаси ва шулар замирида яратилган имкониятларга боғлиқ. Мазкур жараёнлар дастлаб, инсон омили билан боғлиқ ҳолатдир. Бу борада биринчи Президентимиз И.А.Каримов “... ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган қобилият ва истеъдодни аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатнинг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики. Унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас”- деб таъкидлайди. (1) Бу ўз навбатида ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етилиши, уларнинг тўлақонли шахс бўлиб шаклланиши учун қулай фурсат ва имкониятлар омилидир. Ана шундай долзарб масала 2018 йилни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” мисол бўла олади¹. Унда белгиланишича, Давлат инновацион ғоялар ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришни таъминлайди, аҳолини иш билан таъминлаш дастури доирасида амалга оширилаётган кадрларни қайта тайёрлаш тизими,

¹ Ш.Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент-“Ўзбекистон”-2016.488 Б.

инновацион ғоялар ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эҳтиёжларини кўзлаб қайта йўналтиради. Инновацион ғоялар ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи муассасалар ва ташкилотлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар. Касбга йўллаш тизими ташкил этилади, бизнес-инкубаторлар ташкил этилади” (Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатнома (22)).

Табиийки, юртимизда кечаётган барча ислохотлар замирида инсон тақдири, унинг келажаги ва истикболлари муҳим ўрин эгаллайди. Шундай экан, мазкур тадқиқотимиз диққат марказида ана шундай иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлган, ҳаётининг энг актив палласида ўзининг жисмоний, психологик ва интеллектуал ҳамда ижодий салоҳияти билан юртимиз равнақиға ўзининг муносиб улушини қўшишда пешқадам ҳисобланган етуклик даврининг психологик хусусиятларини ўрганиш айна шу замонда долзарб муаммо ҳисобланади.

Инсон ҳаётий даврларини батафсил ўрганмай туриб, унинг психик тараққиёти концепциясини яратиш мушкул. Таҳлиллардан маълум бўлишича, ёш даврлари ва тараққиёт психологияси соҳасидаги тадқиқотчиларнинг қарийиб 70% ни болалар ва ўсмирлар психологиясига бағишланганини кузатиш мумкин. Бу борадаги мавжуд адабиётларда етуклик даврига бағишланган маълумотлар ҳам жуда озчиликни ташкил этади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсон ҳаётининг етуклик даврига бўлган қизиқиш бирмунча жонланганини кузатиш мумкин, жумладан рус олимларидан С.Л.Рубинштейн, Б.Г.Ананьев, А.С.Асмолов, Ю.Н.Кулюткин, Л.Н.Кулешова, М.Д.Александрова, З.Ф.Есарова, А.А.Бодалев, К.А.Абульханова-Славская, Е.Трубецкойларнинг илмий изланишларида, узоқ хорижлик олимлардан С.Пако, Л.Бирро, У.Майлс, А.Уелфорд, Э.Гуссерл, А.Бергсон, Г.Зиммел, Клапаред, У.Майлс, Беллис, Филипп сингари, юртимиз олимларидан М.Давлетшин, Э.Ғозиев, Р.Суннатова, А.Собировалар бу борада ўзига хос тадқиқотлар олиб боришган. Шубҳасиз, мулкчиликнинг янгича шакли

вужудга келиши янгича тадбиркорлик тафаккурини шакллантиришга туртки бўлмоқда, бу эса ўз навбатида онтогенезнинг мазкур ёшдаги шахсларнинг психологик хусусиятларини атрофлича ўрганишга ундайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда, шунингдек онтогенездаги етуклик даврининг психологик ва ижтимоий-шахсий имкониятлари ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда тўлақонли ўрганилмаганлиги бизни шу соҳада илмий изланишлар олиб боришимизга сабаб бўлди ва илмий ишимизни: **“Етуклик даврининг психологик хусусиятлари”** деб номладик.

Тадқиқотимиз мақсадини онтогенезнинг етуклик даврида актив фаолият тури билан шуғулланаётган шахсларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш (тадқиқ этиш) ташкил этади.

Мазкур мақсадни амалга ошириш мақсадида қуйидаги **вазифалар** белгиланди.

- онтогенезда ёш даврларини стратификациялаш (даврларга бўлиш)нинг замонавий ёндашувларини таҳлил қилиш;
- онтогенезда етуклик даврининг ўзига хос шахсий, психологик ва физиологик жиҳатларини ўрганиш;
- етуклик даврининг акмеологик хусусиятларини ўрганиш;
- етуклик даврини актив фаолиятга ундовчи ҳаракат манбаларини аниқлаш;
- етуклик даврида тадбиркорлик тафаккурининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- етуклик даврида ҳаёт йўли мазмунини ўрганиш кабилар белгиланди.

Тадқиқотимизнинг қуйидаги **фаразларга** асосланган:

Етуклик даврида тўлақонли фаолият юритиш, бизнинг фикримизча, қуйидаги омилларга боғлиқ:

- шахснинг ўзини ўзи адекват англаши ва тўғри баҳо беришига;
- ижтимоий фаоллигига;
- кишиларнинг ҳаёт йўли мазмунини тўғри танлай билишига;
- актив фаолиятининг мазмунига;

- кечаётган ислоҳот ва борлиққа нисбатан адекват муносабатлари ва шу кабиларда.

Тадқиқот объекти: онтогенезнинг 30 ёшдан 55 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. (40 нафар респондент).

Тадқиқот предмети: онтогенезнинг (30-55 ёшдаги) етуклик даврида намоён бўладиган ижтимоий-психологик ва шахсий хусусиятлари.

Тадқиқотнинг илмий-назарий ва методологик асосини психик тараққиётнинг принциплари ва тамойиллари, тизимлилик, шахснинг яхлит ва индивидуаллиги принципи, онг ва фаолиятнинг бирлиги, фаолиятли ёндашув принциплари (А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Л.С.Виготский, Б.Г.Ананьев, А.С.Асмолов, Б.Ф.Ломов ва бошқалар), Э.Эриксоннинг шахс тараққиётининг психоэпигенетик назарияси, шунингдек, Шарқ мутафаккирлари ва юртимиз олимларининг мазкур соҳадаги қарашлари ва тадқиқотларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузалари ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлари ташкил этади.

Тадқиқотни амалга оширишда қўйидаги метод ва методикалардан фойдаланилди:

- Кузатиш – тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда;
- Социологик методлардан: суҳбат, анкета, интервью – тадқиқот мақсадига стандартлаштирилган;
- контент-анализ;
- Ҳаёт йўли мазмунини аниқлаш тести – (Д.А.Леонтьев);
- Ташкилотчиликка қобилятлилик тести - (Э.Ғозиев) ;

Олинган эмпирик маълумотлар математик-статистик усуллар ёрдамида қайта ишланиб, таҳлил қилинди (ўрта арифметик қийматлари, Стъудент критерияси ва фактор анализ усуллари);

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларнинг назарий концепциясини бойитишга янада хизмат қилади, шунингдек етуклик даврининг ижтимоий-психологик ва шахсий

сифатларини замонавий иқтисодий-ижтимоий тараққиёт талаблари асосида ўрганиш асосида янги қирралари ёритилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар ва методик тавсиялар кишиларнинг тўлақонли фаолият юритишлари учун дастуриамал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг **структураси (тузилиши)** мазкур битирув малакавий иш – Кириш қисми, уч боб ва 7 параграфдан, шунингдек 7 та жадвал ва чизмадан иборат бўлиб, ҳар бир боб якунида қисқа хулосалар ва якуний хулоса ва тавсиялар келтирилиб, адабиётлар рўйхати (умумий сони – 66 та, шулардан 5 таси хориж тилида) ва иловалар ташкил этади.

I. БОБ. ШАХС ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

I.1 §. ШАХС ҲАҚИДАГИ ЗАМОНАВИЙ НАЗАРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

Одамзод муаммосини ўрганишга бўлган қизиқиш азалий долбзарблиги билан бошқа инсоншунослик категориялари каби ижтимоий-тарихий тараққиёт манзарасида худди шундай юксак нуфузга эга бўлиб қолаверади. Жамият мавжуд экан, унинг қадрияти, ҳаракатлантирувчи кучи, моддий ва маънавий маҳсулот яратувчиси бўлмиш инсоннинг ахлоқи, ақл-идроқи, юксак хис-туйғуси, иродавий фазилати, қобилияти ва салоҳияти юзасидан янги маълумотларга эга бўлиш масаласи ўз мавқеини асло йўқотмайди. Худди шу боисдан инсон шахси, унинг қамолоти, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар ҳозир ҳам фаолият, тажриба ва интилишнинг роли масалалари тадқиқот этилишга доимо эҳтиёз сезади.

Бизнинг таъкидлашимизча, инсон бир қатор фанларнинг тадқиқот объекти эканлигини йиғиқ, ихчам, яхлит тарзда тасаввур этиш уни биосоциал ва социобиологик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, инсон ҳаёти ва фаолиятининг операционал (усул, услуб, уқув, операция, кўникма, малака, одат) механизми унинг онтогенезида функционал (ҳаракатланувчи) механизми сари юксалиб борверади.

Мазкур муаммони инсон – жамият – табиат – турмуш муносабатлари нуқтаи назардан тадқиқ этган жаҳон психологиясининг намояндалари Ш.Бюлер, А.Маслоу [39], К.Роджерс, Г.Оллпорт, В.Джемс, А.Гезелл, Л.Термен, Ж.Пиаже, А.Валлон, С.Л.Рубинштейн, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев каби олимлар одамнинг улар билан ҳар хил турдаги ва кўринишдаги каузал, структуравий, операционал, мотивацион, когнитив, фазовий ва маконий алоқалар тизими мавжудлигини таъкидлаб ўтганлар [15].

Б.Г.Ананьевнинг мулоҳазасига кўра, инсоннинг жамият ишлаб чиқаришининг етакчи ва асосий таркибий, билиш, коммуникация бошқарув

жараёнининг субъекти, тарбиялаш ва тарбияланиш предмети сифатида тадқиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Худди шу боисдан инсон ва унинг борлиқ, ижтимоий жамият билан кўп қиррали, мураккаб муносабатга ҳамда алоқага киришиши қуйидаги тарзда намоён бўлиши мумкин:

1. Табиатнинг биотик ва абиотик омиллари – инсон;
2. Жамият ва унинг тарихий тараққиёти – инсон;
3. Инсон – техника, технология;
4. Инсон – маданият, маънавият, қадрият ва руҳият;
5. Инсон ва жамият – ер ва фазо.

Мазкур талқинга биноан, одамга индивид сифатида тавсиф беришда, унинг ёш даври, жинсий ва индивидуал-психологик хусусиятларига асосланади. Ёш даврининг сифатлари онтогенетик, эволюция босқичларида изчил равишда намоён бўлади ва такомиллашув жараёнида ўз ифодасини топади. Индивиднинг индивидуал-типологик хусусиятига конституцион (тананинг тузилиши, биокимёвий индивидуаллик, яъни яккаҳоллик) ҳолатлар, симметрия ва асимметрия, жуфт рецепторлари, эффекторлари функцияси киради. Бу хусусиятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, механизмлар ва хоссалар бирламчи ҳисобланиб, ҳужайра ва молекуляр тузилишининг барча даражаларида фаол иштирок этади. (16)

Жаҳон психологиясида тўпланган назарий ва амалий тажрибага кўра, ёш, жинсий ва индивидуал-типологик хусусиятлар сенсор (субсенсор, субцептив), мнемик (хотира), вербал (сўз орқали) ва мантиқ психофизиологик функцияларнинг динамикаси ҳамда органик эҳтиёжлар таркибини аниқлайди. Индивиднинг бу хусусиятлари иккиламчи деб атаб, уларнинг интеграцияси темперамент хусусиятларида ва туғма майлларда ифодаланишини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

С.Л.Рубинштейн таълимотича, инсоннинг шахс сифатида тавсифланишининг муҳим психологик лаҳзаси – унинг динамик хусусиятлари ҳисобланиб, жамиятдаги статуси (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий негизга боғлиқ), яъни унинг жамиятда эгаллаган ўрни, нуфузи (мавқеи) орқали

ифодаланади. Статуснинг негизида эса ҳамиша узлуксиз равишда ўзаро алоқалар тизими ётади. Инсон бажариши лозим бўлган жамоавий фаолият яққоҳол турмушга, касб-хунарга алоқадор, яъни касбий, оиладаги ҳамда жамоадаги ролнинг ижтимоий функцияси, унинг муайян мақсадга, қадриятга, маънавиятга йўналтирилганлиги, шахсни фаоллаштиради. Натижада у барча жабҳаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Статус, роль, қадриятга йўналганлик шахс хусусиятлари сифатлари, фазилатлари, хосиятлари ва хислатларининг бирламчиларини ташкил этади, унинг тузилишида асос бўлиб хизмат қилади. Шахснинг тавсифи фаолият, ҳуққ мотивацияси хусусияти ва ижтимоий феъл-атвор тузилишини белгилаб, унинг таркибидан иккиламчи аломатлар, белгилар сифатида жой эгаллайди. Шахснинг бирламчи ва иккиламчи сифатларининг ўзаро таъсирини бирлаштирувчи юксак самара тарзида инсон характери ва майллари юзага келади. Инсоннинг шахс хислатларини ривожлантирувчи, уларни такомиллаштирувчи ва барқарорлаштирувчи асосий шакл – унинг жамиятдаги ҳаёт йўли, муайян из қолдириши ва ижтимоий таржимаи ҳоли ҳисобланади. (48)

Шахсга ёндашувда Л.С.Виготский ўзига хос йўл тутди. Унинг мулоҳазасига кўра, инсоннинг фаолият субъекти сифатидаги асосий тавсифлари қаторига унинг бу соҳадаги тараққиётининг маҳсули – онги (объектив фаолиятнинг инъикоси) ва фаолияти (воқеликнинг ўзгартирувчиси тариқасида) киради. Инсон амалий фаолиятининг субъекти тарзида унинг шахсий фазилатлари ва хислатларини тавсифлабгина қолмайди, балки меҳнатнинг техник воситалари ва технология, унинг тезлаштирувчанлик ва яратувчанлик функциялари сифатида юзага келади. Амалий фаолият умуминсоний ва яққо шахс тажрибасининг бир қисми тариқасида, эгалланилган, ўзлаштирилган, пухта тажрибадан фойдаланиш сингари намоён бўлади. Назарий фаолиятнинг субъекти бўлмиш инсон ўзининг билимлари, касбий кўникмалари, ақлий малакалари билан тавсифланади.

Гуманистик психология намояндаларининг фикрича, инсоннинг субъектив хислатлари интеграциясининг юксак шакли ижодиёт (креация)

ҳисобланиб, умумлашган имконият тарзида қобилиятлар (истеъдод, иқтидор), талант ва салоҳият вужудга келади. Одамнинг субъектив хусусиятлари, хислатлари ривожининг асосий шакллари руҳан тайёргарлик, старт, кульминация ва финиш саналиб, инсоннинг жамиятдаги ишлаб чиқариш ва ижодиёт фаолиятларини белгилайди. Мазкур тўрт босқич, тўрт мезон, тараққиётни баҳолаш тизими ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари, суръати, давомийлиги билан бир-биридан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан ажралиб туради.

Жаҳон психологияси фанида инсон сифатларини индивидуал, шахсга оид ва субъектив гуруҳларга ажралиши анъанавий ва касбий хусусиятга эга, чунки улар одамнинг яхлитлиги, бир бутунлиги, алоҳидалиги тавсифидан иборат бўлиб, бир даврнинг ўзида ҳам табиат, ҳам жамият жонзоти эканлигини англатади. Мазкур яхлитликнинг мағзи шахснинг тузилишидир, унда нафақат инсоннинг асосий хислатлари ўзаро кесишади ва умумлашади, балки унинг ижтимоий ва шахсий кўникмалари муайян тартибга келтирилади, қоидавий хусусият касб этади.

А.Н.Леонтьевнинг таъкидлашича, индивид, шахс, субъект тараққиётининг тадқиқотида қуйидаги ижтимоий-психологик ҳолатларга эътибор қилиниши зарур:

1. Инсон ривожининг детерминатори ҳисобланган асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, педагогик ва яшаш муҳитининг омиллари);
2. Инсоннинг шахсий ўзига тааллуқли, асосий тавсифлар, унинг ривожланиши ички қонуниятлари механизмлари, эволюцион негизида камол топиш босқичлари, барқарорлашуви ва инволюция (ўсишдан қайтиш хусусиятлари).
3. Инсоннинг яхлит, мукаммал тузилишининг асосий таркиблари, уларнинг ўзаро алоқалари, шахснинг ташқи таъсирларга жавоби ва муносабати, тараққиёт жараёнида уларнинг муттасил равишда такомиллашуви каби факторлар.

Фикримизча, уч хусусиятли тадқиқот дастурининг таркибий қисмлари инсоннинг амалий, назарий ва ижодий фаолиятининг мезонларини ташкил этади. Чунки, бевосита фаолиятни амалга ошириш жараёнида яшаш муҳитини ва ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллашнинг ҳам интериоризация, ҳам экстериоризация даврлари юзага келади.

Муайян психологик ҳолатлар ҳозирги даврда ижтимоий хусусият касб этиб, умумбашарий аҳамиятга эга, чунки жаҳон мамлакатлари цивилизацияланиш даражалари бирмунча тенглашиб бормоқда. Шу сабаб, ижтимоий гармония тариқасида бир қатор илмий ижтимоий-психологик тушунчалар қатор (таракқиёт кўрсаткичи ўзаро уйғунликка эга бўлган) мамлакатларга бир текис ёйилиб, ҳаёт ва фаолиятнинг турли қатламларига кириб бормоқда. Мазкур аср одамларида эса ахлоқий, жисмоний ва ақлий комиллик белгилари, кўрсаткичлари ҳамда босқичларининг мезонлари, уларнинг олдига қўйилган талабларнинг моҳияти ўзгаради.

Фикримизча, ҳозирги тезкор даврда ва келажакда шахсга субъектив муносабат муаммосини ижтимоий жиҳатдан турмушда қарор топтириш учун:

1. Одам (индивид) – инсон – шахс – индивидуаллик – субъект – комиллик (баркамоллик) иерархиясига (пиллапоясига) риоя қилиш;
2. Шахсга нисбатан субъектив муносабат, яъни унда робот сифатида (мажбурийлик тамойилига асосланиб) барча хусусиятларни бир текис шакллантириш мумкин деган хато назариядан воз кечиш (инсон қаршилиқ кўрсатишини ҳисобга олувчи ёндашишини йўлга қўйиш), “субъект-субъект” алоқасини вужудга келтириш;
3. Ҳар қандай субъект – шахс, лекин ҳар қайси шахс субъект эмаслиги муаммосини ечиш. Бунинг учун мустақил фикрлашга эга бўлиш, шахсий позицияни ҳимоя қила олиш, ғояни амалга ошириш йўлида тўсиқларни писанд қилмаслик, мустаҳкам ишонч, қатъий маслак, иймон негизида асосланиш, интилишда иродавий барқарорлик устуворлигига эришиш, дунёқараш ва уни ҳаётга татбиқ қилишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжудлигига иқдор бўлиш ҳамда уни тан олиш ва ҳоказо.

Бизнингча, индивид, шахс, субъект ва комил инсон тўғрисида мулоҳазалар юритилганда уларнинг онгсизлик, онгостилик, онглилик ва ўта (супер) онглилик ҳолатлари билан узвий алоқадорлигини унутмаслик лозим. Юқорида келтирилган атамалар онгли мавжудотга тааллуқли эканлиги жаҳон психологияси фанининг илмий манбаларида атрофлича талқин қилинган, бироқ уларнинг иерархияси, моҳияти баёнида турлича ёндашувлар ҳукмрондир.

Инсон онгли, онгости ва онгсизлик ҳолатларидан ташқари, ўзини ўзи англаш имкониятига эга. Шу боисдан ўзини ўзи англашнинг В.Джеймс (23) таълимотига асосланган ҳолда қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқ (тасниф Э.Ғозиев модификацияси):

1. ўтмишдаги “мен” (“ўзлик”);
2. ҳозирги “мен” (“ўзлик”);
3. бўлғуси “мен” (“ўзлик”);
4. идеал “мен” (“ўзлик”);
5. динамик “мен” (“ўзлик”);

Ўзини ўзи англаш жараёни, аниқроғи миллий ўзлигини, маълум даврни тақозо этади, бироқ у ҳам тадрижий, ҳам инқилобий йўл таъсирида амалга ошиши мумкин. Ўзини ўзи англаш борлиқ ва жамиятни инъикос этишининг юқори босқичи саналиб, пировард натижа сифатида юзага келади, инсоннинг донишмандлигини намоиш этади. Ўзини ўзи англаш беш таркибдан иборат бўлган ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг таркиблари бирин-кетин англашиш имкониятига эга эмас. Чунки инсонда ўзининг ҳаёти ва фаолияти ютуқлари, нуқсонлариини, хулқ-атвор кўникмаларини, ақл-идрок даражаларини, ички имконият заҳираларини, қадрият ҳамда маънавият кўрсаткичларини, оқилона баҳолашга қурби етмайди. Шахсда танқид ва ўзини ўзи танқид, баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш, текшириш ва ўзини ўзи текшириш, назорат қилиш ва ўзини ўзи назорат қилиш, бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш, такомиллаштириш ва ўзини ўзи такомиллаштириш, ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантириш мутаносиблиги мақсадга жавоб

бера олмайди. Индивидуал ва ижтимоий онгнинг тобора ривожланиб бориши мазкур мутаносибликни амалга оширишни таъминлайди, бу эса муайян муддатни талаб этади. Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчисига алмашиши, шунингдек, мустақиллик ва унинг неъматлари республикамизнинг фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтиришда муҳим замин ҳозирлашда давом этади.

I.2§. Ҳозирги замон психологияси фанида ёш даврларини табақалаш муаммоларига илмий-назарий ёндашувлар

Инсон умри маълум даврларга бўлиб ўрганилар экан, унинг ҳар бир босқичи шахснинг ўзи ва яқинларига, атрофдагиларга бўлган муносабатлари ва қилган эзгу ишларининг кадр-қиммати билан баҳоланади. Шу боис, инсон шахси ўрганилганда, унинг тараққиётининг у ёки бу босқичидаги ёш хусусиятларини билиш таълим-тарбия жараёнида, муаян фаолият турини амалга ошириш палласида муҳим аҳамият касб этади.

Одамнинг ҳаётий йўлининг муқаддимаси, унинг камол топишининг негизи аслида Парвардигорнинг инояти билан дунёга келишига асос солинган дастлабки сониялардан бошланади. Кейинги тараққиёт босқичлари қатор ижтимоий, биологик, табиий, руҳий, жисмоний омилларга боғлиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шахс индивидуал тараққиётининг муҳим омилларидан бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Зеро, тараққиётнинг ҳар бир босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуният ва механизмларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади.

Ёш тараққиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларини ижтимоий ва генотипик кўрсаткичлари нуқтаи назардан ўрганиши ва шахс хулқини бошқариш, унга ижобий таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман психологияда исбот қилинган далиллардан бири, турли даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуқлик босқичига эришади. Масалан, оламни сенсор жиҳатдан, яъни сезги ва идрок қилиш органлари билишнинг етуқлик фазаси 18-25 ёшларда (Лазарев маълумотларига кўра), интеллектуал, ижодий етуқлик – 35 ёшларда (Г.Леман маълумотлари), шахснинг етуқлиги 50-60 ёшларга келиб энг юқори нуқтасига эришади. Шу сингари хусусиятлар инсоннинг бутун умри

мобайнида муттасил камол етиб, ривожланиб боришини таъминлайди. Шуниси характерлики, ҳар бир ёшда бирор функцияларнинг ривожланиши бошқа функцияларнинг бирмунча сусайиши ҳисобига рўй беради. Масалан, болаликнинг илк боғча ёшида фазога мослашув бирмунча кучайса, кейинчалик унинг ўрнини вақтни адекват идрок қилиш эгаллайди. Қарияларнинг бирор нарсалар хусусида билимдонлиги, маълумотларни яхши эсда сақлаб қолиб, улар хусусида фикрлай олиш қобилияти, психомоторик функциялар ва бевосита билиш жараёнларининг сусайиши ҳисобига рўй беради. Худди шундай боланинг 3-5 ёш даври тилни, унинг луғавий ва морфологик хусусиятларини ўзлаштиришга жуда мақбул бўлса, етуқлик даври бўлмиш 45-55 ёшларга келиб айна шу сифат деярли ўзини йўқотади (“тил қотиб қолади”).

Шу маънода, шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганиш алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Бу борада туркум қарашлар ва талқинлар, ўзига хос схемалар таклиф этиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, мавжуд назариялар ўз моҳияти ва мазмунига кўра устуворлик қилишга даъво қилади, ва бу жараён маълум даражада ўринли ҳолатдир. Зеро, инсоннинг ҳаётий йўли ва унинг асосий лаҳзалари тарихий тараққиёт мобайнида ўзгаришларга учрайди, бир авлоддан иккинчи авлод тараққиётига ўтишнинг ўзи ҳам қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Даврларга бўлишга қаратилган классификацияларнинг ўзи ҳам шартли равишда икки турга бўлади:

- жузъий (алоҳида даврларни яна қўшимча даврларга бўлиш – “даврлар ичидаги даврлар”) ва,
- умумий (инсон умрининг барча босқичларини ўз ичига олган).

Масалан, жузъий классификацияга Ж.Пиаженинг интеллектнинг ривожланишини босқичларга бўлишини киритиш мумкин. Олим мазкур тараққиётни уч босқичда тасаввур қилган:

- сенсомотор интеллект босқичи (0-2 ёш). Бунда асосан олти босқич фарқланади;

- конкрет операцияларни бажаришга тайёрлаш ва уни ташкил этиш босқичи (3-11 ёшлар);
- Формал операциялар босқичи (12-15 ёшлар). Бу даврда бола нафақат бевосита кўриб турган нарсаси, балки мавҳум тушунчалар ва сўзлар воситасида ҳам фикр юритади. (44)

Д.Б.Эльконин ёш даврлари босқичларини бўлиши Э.Эриксоннинг инсон таракқиётини даврларга бўлиш тамойилларига асосланади. Бу классификацияларда болалик даврини ўзининг уч даври фарқланади: илк болалик, болалик ва ўсмирлик. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос етакчи фаолияти, ўзгаришлари ва ривожланиши шарт-шароитлари мавжуд бўлади ва уларни билиш мутасадди шахслар учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир босқичда фаолият мотивлари ҳам ўзгариб туради, уларнинг ўзгариши шахс эҳтиёжлари ва талаблари даражасининг ўзгаришига мос тарзда рўй беради.

Инсон ҳаётининг барча даврини яхлит тарзда қамраб олган классификациялардан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Халқаро Фанлар Академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема ҳисобланади. Мазкур схема Б.Г.Ананьев, Э.Эриксон ва Бирренларнинг таклиф этган классификацияга асосланган бўлиб, умумлаштирилган тоифалашдир. У қуйидаги кўринишга эга.

Жадвал №1

№	Ёш давлари	Эркакларда	Аёлларда
1	Чақалоқлик	1-10 кун	1-10 кун
2	Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгача	10 кундан 1 ёшгача
3	Илк болалик даври	1-2 ёш	1-2 ёш
4	Болаликнинг 1-даври	3-7 ёш	3-7 ёш
5	Болаликнинг 2-даври	8-12 ёш	8-11 ёш
6	Ўсмирлик даври	13-16 ёш	12-15 ёш
7	Ўспиринлик даври	17-21 ёш	16-20 ёш
	Ўрта етуклик даври:		
8	Биринчи босқич	22-35 ёш	21-35 ёш
9	Иккинчи босқич	36-60 ёш	36-55 ёш
10	Кексалик даври	61-75 ёш	56-75 ёш
11	Қарилик даври	76-90 ёш	76-90 ёш
12	Узоқ умр кўрувчилар	90 ёшдан ортиқ	90 ёшдан ортиқ

Кўриниб турибдики, ёш давларини табақалаш муаммосига доир туркум тадқиқот ва қарашлар мавжуд. Улар турли призма орқали талқин қилиб, ўзига хос тарзда унинг моҳиятини ёритишга уринишади, чунончи биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психоаналитик, бихевиористик каби назариялар шулар жумласидандир.

Қуйида уларнинг баъзиларини шарҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Биогенетик назарияда инсонларнинг биологик етилиши етакчи омил сифатида эътироф этилиб, қолган жараёнларнинг ривожланиши ихтиёрий тарзда, ана шу омил билан ўзаро боғлиқлиги таъкидланади. Мазкур назария тарафдорлари Ф.Мюллер ва Э.Геккелларнинг таъкидлашича,

ривожлантиришнинг бош мақсади биологик детерминантларга (аниқловчиларга) қаратилади ва улардан ижтимоий-психологик хусусиятлар келиб чиқади. (19)

Ривожланиш жараёнининг ўзи, дастлаб биологик етилишнинг универсиал босқичи сифатида талқин қилинади.

Мазкур назариянинг яна бир намояндаси С.Холл “рекапитуляция қонуни”ни (филогенезни қисқача такрорлашни) психологик ривожлантиришнинг бош қонуни деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенез филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлашини айтади. (57)

Биогенетик концепциянинг немис “конституцион психологияси” (инсоннинг тана тузилишига асосланган назария) намояндалари Э.Кречмер шахс типологиясининг негизига бир қанча биологик омилларни (масалан, тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан ўсишининг хусусиятлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини фараз қилади. Э.Кречмер одамларни иккита йирик тоифага: циклоид (тез қўзғалувчи, ҳис-туйғуси ўта беқарор) ва шизоид (одамови, муносабатларга қийин киришувчи, ҳис-туйғуси чекланган)ларга ажратади. Бу тахминни ёш давлари хусусиятларига ҳам тадбиқ этиб, ўсмирлар циклоид хусусияти, ўспиринлар эса шизоид хусусиятлигини таъкидлайди. Бироқ, инсонларнинг камол топишида биологик шартланган сифатлар доимо етакчи ва ҳал қилувчи роль ўйнамайди, зеро шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари бир-бирига айнан мос тушмайди. (35)

Биогенетик концепциянинг америкалик намояндалари А.Геззел ва С.Холл ривожланишнинг биологик моделига таяниб фаолият юритадилар, бу жараёнда мувозанат, интеграция ва янгилаш цикллари ўзаро алмашиб туради, деган хулосага келдилар. (19)

Психология тарихида биологизмнинг энг яққол кўриниши З.Фрейднинг шахс талқинида ўз ифодасини топган. Унинг таълимотига кўра шахснинг барча ҳатти-ҳаракатлари, хулқи ва одоби онгсиз биологик майллар ёки инстинктлардан иборат, биринчи навбатда, жинсий, шахвоний майлларга

боғлиқ. Бундай биологизаторлик омиллари инсон хулқини белгиловчи ягона ва бетакрор туртки ролини бажара олмайди. [55]

Биогенетик концепциянинг карама-қарши кўриниши **социогенетик** концепциядир. Мазкур назарияда шахсда рўй берадиган ўзгаришларни жамиятнинг структураси, ижтимоийлашиш (социализация) усуллари, атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабат воситалари асосида изоҳланади. Ижтимоийлашиш назариясига мувофиқ инсон биологик тур сифатида дунёга келиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шаклланади.

Ғарбда ривожланган энг муҳим назарияларидан бири – **роллар** назариясидир. Бу назарияга мувофиқ жамият ўзининг ҳар бир аъзосига статус (мавқеи, ҳақ-хуқуқи) деб номланган ҳатти-ҳаракатнинг барқарор усуллари мажмуасини яратади. Инсон ижтимоий муҳитда бажариши шарт бўлган махсус роллар унинг хулқ-атворида, бошқалар билан муносабатида сезиларли из қолдиради.

АҚШда **индивидуал тажриба ва билимларни ўзлаштириш (кўникиш)** назарияси кенг тарқалган. Мазкур назарияга биноан, шахснинг ҳаёти ва воқеликка муносабати, кўникмаларни эгаллаши ва билимларни ўзлаштириши қўзғатувчининг барқарорлигига боғлиқдир.

К.Левин тавсия этган “фазовий зарурат майдони” назарияси ўз даврида муҳим аҳамият касб этди. К.Левин назариясига кўра, шахснинг хулқи, ҳатти-ҳаракатлари психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш), мақсад (ният) билан бошқариб борилади, бу кучлар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтасига йўналган бўладилар. (19)

Психогенетик ёндашиш, биогенетик ва социогенетик концепциялар қимматини камситмайди, балки психик жараёнларнинг ривожланишини биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Мазкур ёндашишни учта мустақил йўналишга ажратиб таҳлил қилиш мумкин ва бу йўналишлар ўз моҳияти, кечиши ва маҳсули жиҳатидан кескин фарқ қилади.

Психиканинг иррационал (ақлий билиш жараёнларидан бошқа) таркибий қисмлари: эмоция, майл ёрдамида шахснинг хулқини таҳлил қилувчи назария – **психодинамика** дейилади. Бу назариянинг йирик намояндаларидан бири америкалик психолог Э.Эриксондир. У инсоннинг умрини ўзига хос бетакрор хусусиятларга молик 8 та даврга ажратади.

Э.Эриксоннинг психопеогеник назариясига кўра инсон давларини табақалаш

Жадвал №2

Биринчи давр	Гўдакликда ташқи дунёга онгсиз “ишонч” туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабаби ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигидир. Агар гўдакда ишончнинг негизи пайдо бўлмай, борлиққа ишончсизлик ҳисси туғилса, вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик вужудга келиши шубҳасиздир.
Иккинчи давр	Илк болаликда ярим мустақиллик ва шахсий–кадр-қиммат туйғуси шаклланади ёки, аксинча, уларнинг тескарисси – уят ва шубҳа ҳисси туғилади. Болада мустақилликнинг ўсиши унга ўз танасини бошқариш учун кенг имконият яратиб, бўлғуси шахс хусусиятларидан тартиб ва интизом, масъулият, жавобгарлик ҳисси, ҳурмат туйғулари таркиб топишига замин ҳозирлайди.
Учинчи давр	Ўйин ёши деб юритилади ва унга 5-7 ёшли болалар киради. Бу даврда ташаббус туйғуси, қандайдир ишларни амалга ошириш, бажариш майли таркиб топади. Мабодо боладаги ҳоҳиш-истакни рўёбга чиқариш йўли тўсиб қўйилса, бунинг учун у ўзини

	айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур даврда давра, яъни гуруҳ ўйинларга, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш муҳим аҳамият касб этади: бола турли ролларни бажариб кўришга, унинг ҳаёлотини ўсишига имкон яратади. Худди шу даврда болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғилади.
Тўртинчи давр	Мактаб ёши боладаги асосий ўзгаришлар: кўзланган мақсадга эришиш учун интилиш, уддабуролик ва тиришқоқлик билан ажралиб туради. Унинг энг муҳим қадрияти омилкорлик ва маҳсулдорликдан иборат. Бу ёш даврининг салбий жиҳатлари ҳам бўлиб, улар ижобий хислатлари етарли бўлмаслиги, онг ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмаслиги, муаммоларни ҳал қилишда ақл-заковат даражасининг пастлиги, билимларни ўзлаштиришдаги қолоқлик ва ҳоказолардир. Худди шу даврда шахснинг меҳнатга муносабати шакллана бошлайди.
Бешинчи давр	Ўспиринлик бетакрор хислати, ўзига ҳослиги, бошқа одамлардан кескин фарқланиши билан характерланади. Шунингдек, ўспиринлик шахс сифатида ноаниқлиги муаяйн ролни уддаламаслик, қатъиятсизлик сингари салбий сифатларга ҳам эгадир. Мазкур даврнинг энг муҳим хусусияти “ролини кечиктириш”нинг ўзгариши ҳисобланади. У ижтимоий ҳаётда бажараётган ролларнинг кўлами кенгаяди, лекин уларнинг барчасини жиддий эгаллаш имкониятига эга бўлмайди, шунингдек, ролларда ўзини синаб кўриш билан чекланади, холос. Эриксон ўспиринларда ўзини ўзи англашнинг психологик

	механизмларини батафсил таҳлил қилади. Унда вақтни янгича ҳис қилиш, психожинсий қизиқиш, патоген (касаллик кўзғатувчи) жараёнларни ва уларнинг турли кўринишлари намоён бўлишини баён қилади.
Олтинчи давр	Ёшлик бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобилияти ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Бунда айниқса, жинсий майл алоҳида ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, ёшлик танҳоликни ёқтириш ва одамовилик каби ёқимсиз хусусият билан ҳам фарқланади.
Еттинчи давр	Етуқлик даврида ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатда, ижодиётда, ғамхўрликда, пуш қолдиришда, тажриба узатиш ва бошқаларда) маҳсулдорлик туйғуси узлуксиз ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажаради. Шунингдек, мазкур даврда айрим жиҳатларда турғунлик туйғуси салбий хусусият сифатида ҳукм суриши ҳам мумкин.
Саккизинчи давр	Кексалик инсон сифатида ўз бурчини уддалай олганлигидан, турмушнинг кенг ўмровлилигидан қаноатланиш туйғулари билан характерланади. Донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлиш ҳар бир ҳолатга шахсий ва умумий нуқтаи назардан қараш бу ёшдаги одамларга хос энг муҳим жиҳатлардир.

Э.Эриксон классификациясининг ўзига хос қиммати шундаки, унда шахснинг ўзи тўғрисидаги тасаввурларининг жамият таъсирида ўзгариши назарда тутилади. Шунга ўхшаш босқичларга бўлишлар сўнгги йилларда яна

кўплаб муаллифлар томонидан таклиф этилмоқда (Г.Гримм, Д.Бромлей ва бошқалар. (58)

Э.Шпрангер, К.Бюллер, А.Маслоу ва бошқалар персонологик назариянинг йирик намоёндалари сифатида ёш даврларини ўзига хос тарзда талқин қилади. (41)

Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж.Пиаже, Дж.Келли ва бошқаларни киритиш мумкин. (44)

Рус психологиясида ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Виготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб борди, шу боисдан табақаланиш келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуқтаи назаридан ўзаро кескин фарқланади. Ҳозир ёш даврларини табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муаян гуруҳларга шартли равишда ажратиш мумкин, албатта.

Масалан, Л.С.Виготский, психологларнинг ёш даврларини табақалаш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муаян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб ёш даврларини табақалайди. (20)

Л.И.Божович инсоннинг камол топишини ёш даврларга бўлишда мотивларни асос қилиб олади, шу сабаб у ўз қарашларини мотивацион ёндашиш деб атайди. Олим ҳар бир босқични психологик тавсифлашда унда намоён бўладиган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг сабаблари, омиллари, манбалари, турткилари, механизмларини ҳам баён қилади. (18)

Д.Б.Элькониннинг таснифи етакчи фаолият (А.Н.Леонтьев) назариясига асосланиб, ҳар қайси ривожланиш палласида фаолиятнинг бирор турини устунлик қилиши мумкинлигига асосланади. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги роли назариянинг негизини ташкил этади. (37)

Ҳозирги замон психологиясининг йирик вакили А.В.Петровский инсон камолотига, шахснинг таркиб топишига социал-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, ёш даврларининг ўзига хос таснифини яратишга муваффақ бўлади.

А.В.Петровскийгача психологлар шахснинг бир текис камол топишини ўрганган бўлсалар, у шахс шаклланишининг просоциал (ижтимоий қоидаларга мувофиқ) ва асоциал (акселижтимоий) босқичлари ҳам бўлиши мумкинлигини исботлаб беришга ҳаракат қилади: шахснинг камол топиши учта макрофазадан иборатлиги қайд этади, булар:

- биринчиси – болалик даври бўлиб, унда ижтимоий муҳитга мослашиш, кўникиш (адаптация) рўй беради;
- иккинчиси – ўсмирларга хос индивидуаллашиш;
- учинчиси – ўспиринликда, яъни етукликка интилиш даврида ўзига хос ҳолатларни мувофиқлашиш (бирлаштириш) хусусиятлари пайдо бўлади.

А.В.Петровскийнинг таснифи бирмунча мукамал бўлса-да, камолотнинг оралиқ босқичларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаламайди. Ваҳоланки, ўсиш ижтимоий қоидаларга мувофиқми ёки акселижтимоийми, барибир, ҳар иккала йўналишнинг ҳам оралиқ жабҳалари бўлиши эҳтимолдан холи эмас. (43)

Д.И.Фельдштейн таснифи ҳам шахсга ижтимоий ёндашувга асосланган бўлсада, А.В.Петровский таснифидан кескин фарқ қилади. Унинг фикрича, инсон шахс сифатида шаклланишида иккита босқичдан ўтади, улардан бири – “Мен жамият билан” нуқтаи назардан иборат бўлса, иккинчи нуқтаи назар “Мен ва жамият” деб номланади. У боланинг ижтимоий ўсишида жамиятга нисбатан муносабатини асосий (бош) ва оралиқ муносабатларга ажратади. (53)

Таҳлиллардан маълум бўлишича, ёш даврларини табақалашнинг пухта илмий-методологик негизга эга бўлган қатор назариялар ишлаб чиқилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Барча қарашлар ва назариялар онтогенетик қонуниятларни ёритишга маълум даражада ўз ҳиссаларини қўшди, амалий ва назарий масалаларни ҳал этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бироқ, ҳозир онтогенезни тўлақонли ёритишга, ижтимоий, иқтисодий ва маданий – маърифий ўзгаришлар манзарасида ёш даврларини табақалаш чегараларида бирмунча ўзгаришларни кузатиш мумкин, шу сабаб мазкур ҳолат кун тартибидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади.

1.3 §. ОНТОГЕНЕЗДА ЕТУКЛИК ДАВРИНИНГ ШАХСИЙ, ИЖТИМОЙИЙ-ПСИХОЛОГИК ВА ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Кейинги даврда онтогенезнинг етуклик даврини ўрганишга бўлган қизиқишлар тобора ортиб бормоқда. Табиийки, ёш даври психологиясининг бу соҳасига бўлган қарашлар инсон омили билан боғлиқ бўлиб, етуклик даврининг имкониятлари, мотивлари ва эътиқодининг намоён бўлиши, ишлаб чиқариш ва ижодий баркамоллиги, бир сўз билан айтганда ҳаётининг энг қизғин ва жўшқин палласида психологик, физиологик ва ижтимоий хусусиятларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш билан боғлиқ. Мазкур муаммо борасида юртимиз олимларидан Э.Ғ.Ғозиев, М.Ғ.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Н.С.Сафоев, Р.И.Суннатовалар салмоқли тадқиқотлар олиб боришмоқда. Шунингдек яқин хорижий олимларидан Л.С.Виготский, Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, Н.И.Рыбаков, К.Н.Корнилов, П.П.Блонский, узоқ хорижлик олимлардан Г.Крайг, Э.Эриксон, Д.Бромлейларнинг илмий-назарий ва методологик қарашлари таҳсинга сазовор.

Етуклик даврида инсоннинг психик фаолияти нисбатан барқарор бўлади. *Шахснинг етуклиги* деганда бошқа одамлар орасида ўз ўрнини англаш, имжтимоий меъёрларга ўрганиш, масъулиятни ҳис этиш каби ижтимоий фазилатлар англашилади. Бу даврда қадриятлар ўрин алмашиб, моддий қадриятлар бирмунча ортга ўтиб, маънавий қадриятлар билан ўрин алмашади. Ўзини ўзи ҳурмат қилиш, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш, ўзгалар томонидан тан олинishi ва ўзини ўзи тасдиқлаш – бу даврнинг етакчи эҳтиёжларига айланади. Етук ёшдаги мослашувчанлик бошқалардан кўра кўпроқ касб фаолияти соҳасидаги мослашувликка, унда кўзланган ютуқ ва муваффақиятларга асосланади.

Таъкидлаш жоизки, онтогенездаги ҳар бир ёш давлари орасида қатъий чегара мавжуд эмас. Бу ҳолат организмдаги етилиш ҳамда инволюцион жараёнларнинг қонуниятларига боғлиқ. Тадқиқотларнинг кўрсатишича,

етуклик ва инволюцион жараёнлари учун нотекислик ва гетерохронлик хусусиятлари хос. Ривожланишнинг ички зиддиятлари инъикоси сифатида индивид ҳолатлари жараёнларидаги нотенглик ва алмашувнинг хилма-хиллиги ҳаётнинг турли имкониятларидан келиб чиқади. Етуклик даврини таснифлаш тарихи қадимги антик даврга бориб тақалади. Масалан, қадимги хитойда етуклик даврини 4 даврга бўлишган, булар:

- 20 ёшдан 30 ёшгача – уйланиш даври;
- 30 ёшдан 40 ёшгача – ижтимоий мажбуриятларни ижро этиш даври;
- 40 ёшдан 50 ёшгача – ўз хатоларини англаш даври;
- 50 ёшдан 60 ёшгача ижодий ҳаётнинг сўнгги палласи деб юритишган.

Юнон файласуфи Пифагор эса ёш даврини йил фаслларига таққослаган, унинг фикрича, етуклик даври: ёзни (20-40 ёшлар) ва кузни (40-60 ёшлар) эслатади.

Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, етуклик даври – инсон ҳаёт даврининг энг узун даврини ўз ичига олади. Бироқ энг кичик вақт мезони билан ўлчаганда ҳам етуклик даври чорак асрни ўз ичига қамраб олади.

Э.Эриксоннинг фикрича, етуклик даври 25 ёшдан 65 ёшгача давом этиб, инсон ҳаётининг қарийиб 40 йилини қамраб олади. Ёшликдаги каби, етукликда ҳам касбий фаолият ва оилавий муносабатлар одатда инсон ҳаётнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бироқ уларни белгиловчи ижтимоий вазияти жиддий ўзгаради: ёшликда у танлаган касбни эгаллаш ва турмуш ўртоғини танлашдан иборат бўлса, етукликда эса бу ўзини англаш, касбий фаолияти ва оилавий муносабатларда ўз қудратини тўла намоён қилишга қаратилган бўлади.

Э.Эриксоннинг фикрича, етукликнинг асосий муаммоси маҳсулдорлик ва ҳаракатсизлик ўртасидаги танлов бўлиб, улар ривожланишнинг тараққий парвар ва таназзул йўллари тавсифлайди. Маҳсулдорлик тушунчаси ҳам ижодий ва ишлаб чиқариш (касбий) маҳсулдорликни, ҳам тарбияга ҳисса қўшиш ва кейинги авлод ҳаётини танлаб беришни ўз ичига олади. Маҳсулдорлик, шу жумладан касбий маҳсулдорлик, Э.Эриксон фикрича, “инсон қизиқаётган одамлар, натижалар ва ғояларга ғамхўрлик қилиш билан

боғлиқ” (58). Махсулдорликнинг йўқлиги, ҳаракатсизлик иллатлари шахснинг эҳтиёжлари билан ўралашиб кетишига олиб келади. Ўзи ва бошқа одамлар олдида ҳаёти мазмуни учун масъулиятни англаш етукликнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Г.Оллпорт етуклик даврининг қуйидаги тавсифларини ажратиб кўрсатади. “Мен”нинг кенг чегаралари, илиқ инсоний муносабатларга қобиллик, ўзини эътироф этиш, тажрибани реалистик идрок этиш, ўзини англаш қобилияти, ҳазил-мутойиба туйғулари, муайян ҳаёт фалсафасини яратиш мазкур даврга хос хусусиятлардир. (19)

Б.Ливехуд етук инсоннинг уч асосий ҳислатларини тавсифлаб, ақл-доноликда етишган, муносабатлардаги нисбатан қобиллик ва камтарликка етакловчи, ўзини англаш эса бирмунча ишончга ўсиб боровчи жараён эканлигини таъкидлайди. (19)

Етук одамнинг шахсий ривожланиши ўспиринларга хос максимализмдан фарқли, ҳаётий муаммоларга ёндашишда вазминликни талаб этади. Чунончи касбига нисбатан ўз тажрибаси, билим ва уқувларига таянади, бироқ янги ғояларни идрок этишда қийинчилик туғилиши мумкин. Оқиллик ва кўпқирралик бўлмагач, у ригидлик, ўзиникидан бошқаларни писанд қилмаслик ҳисларини вужудга келтиради.

Етукликнинг илк ва ўрта давларида дастлабки, яъни биринчи умумий психик жараёнларнинг ривожланиш фазаси давом этади. Бироқ, бу ривожланишнинг иккинчи фазаси ҳам мавжуд, у касб фаолияти жараёнидаги психик фаолиятлар хоссалари билан боғлиқ. У кўпинча биринчи фазага юклатилади.

Етукликда психологик ёшнинг хронологик ёшдан илгарилаб кетиши одатда эрта қаришдан дарак беради. Кўпинча бу олдинга қўйилган ва амалга оширилган мақсадларнинг якуни билан боғлиқ, бу янги узоқ истиқболга эга бўлишга йўл қўймайди. Эрта қариш кўпинча бахтсизлик билан боғлиқ бўлади, масалан, яқин кишиларидан жудо бўлиш, оғир касалликка учраш, табиий ёки ижтимоий офатларнинг таъсири натижасида бўлиши мумкин.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, инсон ривожланиш жараёни маълум бир сарҳадларга эга эмас, зеро, ривожланиш шахс ҳаётининг асосий йўналишини ўзида акс эттиради. Онтогенезнинг аввалги давларидек етуклик босқичидаги шахснинг ривожланиши ўзига хос психологик хусусиятларга эга. Улар ҳамкорликда қуйидагиларга акс эттиради: касбий ва ижтимоий вазифаларни бажаришни давом эттириш (улар бирин-кетин, гоҳида сусайиб, баъзида кучайиб туриши мумкин), фарзандларнинг уй рўзғорини алоҳида қилиш ва шу муносабат билан ҳаёт тарзининг аста-секин ўзгариб бориши кузатилади. Кўплаб тажриба маълумотларига кўра, ривожланишдаги бу босқичнинг марказий нуқтаси 45-50 ёшлар орасида кечиши кузатилади. Кўплаб асосий хислатларда бир хил ёшдаги одамлар ўхшаш бўладилар, етуклик даври ҳам бундан истисно эмас, албатта. Шу билан бирга, ер юзида қанча инсон бўлса, уларнинг тақдири ҳам ўзгача ва ўхшамасдир. Муайян инсон ҳаёти йўлига қанчалик кириб боришга ҳаракат қилсак, унинг тенгқурларига нисбатан фарқлари шунча аҳамиятли, тириклик даврининг индивидуал хусусиятлари эса шунча турфа ва ранг-баранг бўлади.

Таъкидлаш жоизки, психик ривожланиш сифатида етуклик инсон онтогенезнинг ҳар қандай босқичи нисбий бошланиши ва тугалланишини янги босқичга ўтишига ўзига хос тайёргарлик кўрилади. Б.Г.Ананьевнинг фикрича, индивид (жисмоний етуклик), шахс (фуқаролик), билиш субъекти (ақлий етуклик) ва меҳнат (меҳнатга қобилиятлилиқ) сифатида инсон етуқлигининг бошланиши маълум бир вақтга мос келмайди, бундай номутаносиблик барча тараққиёт формацияларда сақланиб қолади. (16)

Умр давлари психологияси ривожланиш тарихида етуклик давридаги инсонларнинг психологик характеристикалари тараққиётнинг бошқа давларига нисбатан эталон вазифасини ўтаб келган. Е.Ф.Рыбалконинг фикрича, етуклик даври ижтимоий ва махсус ролларни янада такомиллаштириш, уларда баъзиларнинг устунлик қилиши, баъзиларининг эса заифлик қилиши билан характерланади, бу даврда оилавий муносабатлар ва турмуш тарзи ўзгаради. Ривожланиш салоҳияти инсонларнинг бутун ҳаёти

давомида кечади, гарчи баъзи олимларнинг эътироф этишича, етуклик даври бир-биридан тафовутланувчи катор босқичларга бўлинса-да, болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврлари ривожланиш жараёнларидан сифат жиҳатидан кескин фарқ қилади. (59)

Онтогенездаги етуклик даврини шартли равишда икки босқичда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат улардаги намоён бўладиган психологик, ижтимоий ҳамда физиологик ўзгаришлар билан изоҳланади. Ҳозирда ҳар икки босқичга тавсиф берамиз.

А) Етуклик даврининг биринчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятлари

Камол топишнинг бу босқичига 28-35 ёшлардаги эркак ва аёллар шахсини киритиш мумкин. Етуклик даврида инсон ўзининг барча куч-қуввати, ақл-заковати, ички имкониятларини ўз касбига, ижтимоий фаолиятига, жамоат ишларига тўла сафарбар қилади. Эркак ва аёлларнинг бу даврда меҳнат ва ижтимоий фаолиятида муайян тажрибага эгалиги уларни истиқбол сари етаклайди. Етук шахснинг бошқаларга муносабати, уларни баҳолаши, динамик стереотипида сезиларли ўзгаришлар бўлади. У эндиликда фақат ўзининг ҳатти-ҳаракати учун эмас, балки ўзга кишиларнинг қилмишлари, саъй-ҳаракатлари учун ҳам жавобгарлигини англайди, айниқса, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларнинг ўз фарзандларининг хулқ-атвори, юриш-туришлари учун ҳам жон куйдиради, уларга имконият борича ёрдам беришга интилади.

Етуклик даври - катталиқ, донишмандлик, раҳнамолик, ғамхўрлик, ҳомийлик давридир. Бошқа ёш даврлардаги каби мазкур даврда ҳам муайян даражада инқироз бўлади. Бу даврда инсон қандай ишларни амалга оширишга, қайси имкониятлардан фойдаланмаганлиги, айрим хатолар, тушунмовчиликлар сабабли, кўнгилсизликлар вужудга келганини англай бошлайди. Ўзига ўзи ҳисобот бериш шу даврнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Организмдаги айрим ўзгаришлар, умрининг тез ўтиши кишини қаттиқ ташвишга ва изтиробга солади. У бундан кейинги ҳаётнинг ҳар бир

дақиқасидан унумли фойдаланишга қарор қилади. Айрим орзу-истакларини амалга ошириш учун жисмоний ва руҳий имкониятлари етишмаслигини англаш унинг психикасида “турғунлик” туйғусини вужудга келтиради. Бунинг асосий сабаби 33-35 ёшларда мнемологик-аттенцион мажмуа тубдан қайта қурилишидир. Яхлит мнемологик марказнинг мнемик (хотира) ва мантиқий (тафаккур) қисмларига ажралиши рўй беради. Аттенционал ҳолатнинг омиллари сақланиб қолади, лекин катта ёшдаги инсон интеллект таркибида хотира ва тафаккур муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ ўзгаришлар унинг руҳий дунёсида, кечинмаларида, ҳис-туйғуларида чуқур из қолдирмайди, етук шахс хотирасида иллюзион хусусиятга эга бўлган тасаввур образлари (ёшлик туйғулари, кайфияти, орзуси, хом хаёли) сақланиб қолаверади.

Етуклик босқичида жисмоний ва ақлий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш кўникмаси пайдо бўлади. Бу ҳол бутун куч-қувват, ақлий, зўриқиш, ирода кучи, асаб таранглашуви ҳисобига эмас, балки муайян кўникма, малака ва маҳорат асосида рўй беради. Етукликнинг турли давларида камол топиш жабҳаларининг ўзаро муносабатини тадқиқ қилган Б.Г.Ананьев лабораторияси ходимлари 29—32 ёшларда функционал даражанинг ошиши 46,2, барқарорлашуви 15,8, функционал даражанинг пасайиши 38,0, 33—35 ёшларда 11,2, 33,3 фоиз, 55,5 фоизни ташкил қилишини аниқлашган. Ю. Н. Кулюткин тадқиқотининг натижасига қараганда, 30—35 ёшларда диққат 102,8, хотира 99,5, тафаккур 102,3 бирликка барабардир. Етуклик даври фаолиятининг маҳсулдорлигини ўрганган Г. Леман унинг чўққиси кимёгарларда 30 ёш, математикларда 30-34, геологлар ва астрономларда 30-35 ёш эканлигини ва ўртача маҳсулдорлик чўққиси 37 ёшда бўлишини қайд қилган. Психофизиолог С. В. Кравчков кўзнинг фарқлаш сезгирлиги ёшга қараб ўзгаришини 4 ёшдан 80 ёшгача бўлган одамларда текшириб, сезгирликнинг ортиши 25 ёшгача, сезгирликнинг барқарорлашуви 25—50 ёшгача давом этиши мумкинлигини аниқлаган. З. Ф. Есарева олий мактаб ўқитувчилари ақлий фаолиятининг маҳсулдорлиги муаммосини тадқиқ қилиб, кандидатлик диссертациясини ёклашни математиклар 26, психологлар

32, филологлар 34, тарихчилар 31, физиклар 30, биологлар 32 ёшда амалга ошириши мумкинлигини аниқлаган. Камолотнинг биринчи босқичидаги етук кишиларда ижтимоий фаолиятида қатнашиш истаги 30 ёшда 18,3 фоиз, 35 ёшда 6,2 фоизни ташкил этади. Демак, ижтимоий ташкилотлар фаолиятида мазкур ёшдаги кишиларнинг қатнашиш кўлами торайиб боради.

Бу даврда эркак ва аёлларнинг тафовутлари намоён бўлади: жисмоний, жинсий, руҳий камолотда аёллар илгарилаб келган бўлсалар, энди эркаклар олдинга ўтиб оладилар ва бу ҳол инсон умрининг охиригача сақланиб қолади. Етуклик даврида ижодий фаолиятининг махсулдорлигини З. Ф. Есарева қуйидаги мезонлар билан ўлчашни лозим топади:

- 1) эълон қилинган илмий ишларнинг миқдори;
- 2) чоп қилинган асарлар ичида ўқув қўлланма, дарслик ва монографияларнинг мавжудлиги;
- 3) илмий тадқиқотда янги йўналишнинг очилиши;
- 4) илмий муаммони ҳал қилишда янги усулнинг кашф этилиши;
- 5) илмий мактабнинг ташкил қилиниши;
- 6) бошқа муаллифларнинг ишларига мурожаат қилиш ва илова бериш миқдори;
- 7) ўқитувчининг илмий маълумотларидан талабанинг мустақил ишларида фойдаланиш кўлами;
- 8) ўқитувчи раҳбарлигидаги диплом ва диссертация ишларининг миқдори ва сифати;
- 9) ўқитувчининг илмий фаолиятдаги муваффақият мукофот билан тақдирланиши;
- 10) доцент ва профессор деган илмий педагогик унвонларга сазовор бўлиш ва шу кабилар (59).

Мазкур ёшда шахсий ҳаётдаги ютуқлар, ғалабалар ёки муваффақиятсизликлар кишининг руҳий дунёсига қаттиқ салбий таъсир кўрсатади. Натижада унда такаббурлик, мағрурлик ҳислари пайдо бўлади, ўзининг бошқалардан устун қўя бошлайди ёки, аксинча, ҳаёт заҳматлари унинг

пессимист, нарса ва ҳодисаларга нисбатан лоқайдлик туйғусини вужудга келтиради. Лекин ҳар иккала кўринишга эга бўлган руҳий ҳолат ҳам оила аъзолари, тенгқурлари, меҳнат жамоаси аъзоларининг таъсири орқали аста-секин муайян йўналишга тушиб қолади.

Умуман, камолот босқичидаги одамлар истиқбол режаси билан яшашга ҳаракат қиладилар, воқеликка, турмуш икир-чикирларига, табиат, жамият, коинот ҳодисаларига бефарқ қарамайдилар, имкон борича хотиржамлик, тотувлик, тинчлик, дўстлик, дунё лаззатларидан оқилона фойдаланиш туйғуси билан яшайдилар.

Б) Етуклик даврининг иккинчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятлари

Етуклик даврининг бу босқичи 36—55 (60) ёшлардаги эркак ва аёлларни ўз ичига олади. Мазкур даврда ижодий фаолиятни қайтадан баҳолашда ўз ифодасини топувчи янги хислат намоён бўлади. Улар шу кунгача меҳнат фаолиятида миқдор кетидан қувиб юрган бўлсалар, эндиликда меҳнат маҳсулининг сифати устида бош қотира бошлайдилар. Оилавий турмушга, ижтимоий ҳаётга, яшашнинг мақсадига, инсон кадр-қимматига, теварак-атрофига, ўэларига ва бошқа одамларга янги мезон билан қарай бошлайдилар. Турмушнинг икир-чикирлари, ижтимоий ҳодисаларга вазмин, сабр-тоқат билан ҳаёт тажрибасига суянган ҳолда муносабатда бўладилар, ҳар бир нарсанинг нозик томони ёки ёмон оқибати ҳақида ўз фикрларини билдирадилар. Ҳаётда қўлдан бой берган имкониятлари, хато ва камчиликлари уларда “етти ўлчаб - бир кес” қабилида иш тутиш туйғусини вужудга келтиради. Шунинг учун улар умрнинг бирор дақиқаси беҳуда ўтишига ачинадилар, ёшлик йилларида йўқотганларини ақл-заковат, донишмандлик билан тўлдиришга интиладилар.

Етуклик даврининг иккинчи босқичида қарилик аломатлари кўпроқ ўрин эгаллай боради, унинг бошланиш нуқтаси 45—50 ёшлардир. Лекин одамларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра бу чегара турлича намоён бўлиши

кузатилади, масалан, бу баъзи кишида 60 ёшда, бошқа бирида эса 70 ёшда бўлиши мумкин. Шу сабабли ёш даврининг чегаралари фақат шартли белгиланади. Бу омил одамлар яшаётган оила муҳитига, тарихий-ижтимоий шарт-шароитга, жўғрофий иқлим ва ҳоказоларга ҳам боғлиқдир. Мазкур ёш даврининг ўзгарувчанлигини инсоннинг биологик, ижтимоий ва тарбиявий омиллари (ирсий аломат, ижтимоий муҳит, узлуксиз тарбиявий таъсир) белгилайди.

Ю. Н. Кулюткин бир хил ёш давридаги одамларда ҳар хил жараёнлар, ҳолатлар, хоссалар, хусусиятларнинг ўсиши, ўзгариши барабар эмас, балки уларнинг бировда олдин хотира, кейин тафаккур, бошқа бировда, аксинча, ривожланишини, бир психик жараённинг заифлашуви, иккинчисини жадал суръат билан ўсишини уқтиради.

Шахснинг ўз ички имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиши фаолиятнинг барча турларида маънавий ва руҳий жиҳатдан ўзини англашини янада такомиллаштиради. Етуклик давридаги эркак ва аёлларнинг ўзлигини англашдаги «Мен» уч хил кўринишда ифодаланади: «Мен» кўпинча «Мен — образ» шаклида ўзи томонидан талқин қилинади. Шахснинг «Мен — образи»:

- 1) ретроспектив «Мен»дан иборат бўлиб, ўтмишдаги ўзлигини акс эттиради;
- 2) актуал «Мен» сифатида тасаввур этилиб, ўзининг ҳозирги даврини ифодалайди;

- 3) идеал «Мен» образи эса яқин келажакда ўзининг қандай тасаввур қилиш туйғуси билан боғлиқ ҳолда яратилади. Шунинг учун ўз имкониятларини ҳаётда тўла сафарбар қилиш истаги ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида ўзининг ўтмиш образини ҳозиргиси билан солиштириб, шахсий идеал моделини вужудга келтиради, шахс мазкур моделга асосланиб, турмуш режаларини, ҳатти-ҳаракатлар мақсадини, усул ва воситаларини танлай бошлайди. Инсоннинг ўтмишидан ҳозирги кунга, ҳозирги кундан келажакка интилиши ўзини англашининг бош мезони ҳисобланади. Ўзлигини англашнинг бошқа мезонлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўзини ўзи баҳолаш,

назорат қилиш, текшириш, қўлга олиш, ўзига буйруқ бериш кабиларда акс этади. Ўзини англаш кўпинча, ўзига нисбатан бошқа кишилар, яъни:

- а) ёши улуғ инсонлар;
- б) тенгдошлари;
- в) ўзидан кичик одамлар нуқтаи назаридан қарашда кўринади.

Мазкур ёш давридаги одамларнинг кўриш майдонини ўрганган Л. Н. Кулешова ва М. Д. Александровалар 36—50 ёшли эркакларда кўриш чегараси қуйидагича эканини аниқлаганлар: нормадан ортиқ 4 фоиз, нормада 53 фоиз, қолганлари нормадан кам. Ю. Н. Кулюткин 36—40 ёшли синалувчиларда диққат, хотира, тафаккурнинг 0—130 гача шкалада 94,8, 93,7; 99,0 бирликларга эга эканлигини исботлаб берди. Б. Г. Ананьев эса мазкур ёшдагиларда шаклни идрок қилишни бинокуляр ва монокуляр йўлларида муайян даражада тафовутлар юзага келишини айтади. Қатор олимлар (Клапаред, Майлс, Беллис, Филип) мазкур ёшдагиларнинг товуш ва ёруғликдан таъсирланиш вақти ўзгаришини ўрганганлар. Олинган маълумотлар амалий аҳамиятга эга бўлиб, ўз қимматини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Фульдс, Равен, Пако каби тадқиқотчилар интеллектнинг мантиқий қобилиятини текшириб, 30 ёшда 96, 40 ёшда 87, 50 ёшда 80, 60 ёшда эса 75 фоиз бўлишини аниқлаганлар. Уларнинг ижтимоий фаолиятга кириш хусусиятини фаоллик нуқтаи назаридан ўрганган В. Шевчук 35 ёшидаги одамларнинг 6,2 фоизи бу фаолиятда қатнашиш истагини билдирса, 40 ёшда 2,2 фоизи қатнашишни хоҳлайди, 2,8 фоизи эса ундан чиқишга қарор қилади.

З.Ф.Есарова олий мактаб ўқитувчиларининг ижодий фаолияти хусусиятларини ўрганиб, докторлик ишларини ёқлашни математиклар 33, психологлар 46, филологлар 46, тарихчилар 47, физиклар 37, биологлар 40 ёш амалга оширишини аниқлаган. Умуман етуклик даврининг иккинчи босқичига мансуб кишилар бир томондан, бутун имкониятини меҳнат ва ижтимоий фаолиятларга бағишлагани билан, иккинчи томондан, ижтимоий фаолликлари сусайиб бориши билан фарқланади. Чунки инсоннинг кексайиши ҳам қувончли, ҳам ўкинчли дамларга, кечинмаларга, ҳис-туйғуларга сероблиги

билан бошқа ёш даврдаги одамлардан ажралиб туради. Хотиржам дам олиш истаги билан ижтимоий фаолиятдан узоқлашиш туйғуси ўртасида инқироз вужудга келади. Қандай қарорга келиш, яъни меҳнат жамоаси билап алоқани узмаслик ёки мутлақо ижтимоий фаолиятдан четлашиш муайян ҳолатлардаги мотивлар курашига боғлиқдир. Ҳозирги замон кишилариинг ўртача умр кўриши XX аср бошларидагига нисбатан қарийиб бир ярим — икки марта узайганлиги, етуклик давридаги эркак ва аёлларнинг жисмоний бақувватлиги, маънавияти ва руҳий тетиклиги ижтимоий фаолликни сусайтириш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Демак, уларнинг ишчанлиги, ақлий қобилияти, касбий маҳорати, турмуш тажрибаси, онгининг юксаклиги, маънавиятининг бойлиги, руҳиятининг софлиги янги зафарлар: меҳнат қувончлари сари дадил қадам ташлашга тўла қафолат беради. (59)

БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Мазкур боб бўйича қилинган илмий-назарий ва махсус адабиётлар таҳлилидан маълум бўлишича, онтогенезнинг ёш давларини табақалаш масалалари психолог ва педагог олимларнинг баҳс-мунозарасига сабаб бўлиб келишини кузатиш мумкин. Ёш давларига нисбатан бўлган биогенетик, социогенетик, психоаналитик сингари ёндашувлар турли нуқтаи назардан табақалаш ва ёндашишни тавсия этаётганлигини, ва ҳар бир ёндашув маълум даражада етакчиликка даъвогарлик қилаётганлиги таҳлиллар жараёнида маълум бўлди.

Табиийки, инсон ҳаётини жамиятда актив фаолияти билан, ижтимоий фаоллиги, атроф муҳит ва табиатга нисбатан муносабатларга киришувчанлиги билан ажралиб турса, ана шу ҳолатдагини у ўзини тўлақонли шахс сифатида ҳис этади.

Айниқса, бундай қайноқ ва жўшқин палла онтогенезнинг етуклик даврига тўғри келиши, ундаги ички имкониятлари ва қизиқишлари, мотивлари ва ҳаракатга ундовчи кучларни атрофлича ўрганиш қадриятлар ўзгараётган бир даврда янада муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода мазкур бобнинг яна бир таркибий қисмида онтогенезнинг етуклик даври унинг психологик, физиологик ва ижтимоий хусусиятлари нуқтаи назаридан турлича ёндашув ва тавсифлар аторофлича ўрганилди. Улардан маълум бўлишича:

1. Онтогенезнинг етуклик даври ўзининг сермахсуллиги, ҳаётнинг барча жабҳаларида фаоллиги билан муҳим ўрин эгаллайди;
2. Ҳаётимиздаги кескин ўзгаришлар манзарасида етуклик даврини ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш янада долзарб аҳамият касб этади;
3. Етуклик давридаги хусусияларнинг намоён бўлишига қараб, шартли равишда икки босқичда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

II. БОБ. ЕТУКЛИК ДАВРИДА ҲАЁТ ЙЎЛИ МАЗМУНИНИ ЎРГАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ШАРТЛАРИ

2.1. Етук инсонлар ҳаёти мазмуни ва акмеологик хусусиятларини ўрганишнинг психологик шартлари

Шахснинг ҳаётий йўли мазмунига бўлган қизиқиш, методологик мақом даражасига кўтарилиб, постмодерник психологияда марказий тушунчалар сирасидан етакчи ўринни эгаллаб бормоқда (Д.А.Леонтьев), ёки А.Г.Асмолов фикрича, “ўзгарувчан даврда шахснинг ўзгарувчанлиги” намоён бўлиб бормоқда. (17)

Ҳаёт мазмунини англаб етиш, барча замонларда киши учун ўта муҳим бўлиб, унинг психологик билиш силсиласида доимо етишмай келган звено ҳисобланади. Зеро, у оламни билиш ва англаш борасида яхлит образни шакллантиришга хизмат қилиб келган.

“Олам образи” ёки “ҳаёт образи” тушунчалари билан боғлиқ муамоларини таҳлил қилишдан қатъий назар, психологиянинг ҳозирги даврда “олам” ва “ҳаёт” тушунчалари бир-бирига қоришиб кетган, диалектик яхлит бир жараёни ташкил қилади. Агар оламни билиш, англаш борлиқ ҳақидаги илмий билимларни ташкил этса, ҳаётни англаш эса (*vitaintelegenza*) психик билиш жараёнининг натижаси сифатида, кишиларнинг рационал доирада фикр юритиш натижасида вужудга келган ҳукмлари, уни ўраб турган олам ва борлиққа нисбатан муносабатларининг моделидир. Психология фанида бу ҳолатни изоҳлаб беришда аниқ бир ёндашув мавжуд эмас. Шунингдек ҳаётни англаб етиш табиати муаммоларига доир унинг мазмуни ва структураси ҳам етарлича шакллантирилмаган. Бироқ шундай бўлсада, психология фанига доир адабиётларда “шахснинг ҳаёт мазмунини англаши” деган тушунча кўп учрасада, бироқ унинг илмий талқини, изоҳи борасида қарашлар турличадир. Бундай ҳолат мазкур масалага тадқиқотчилар томонидан кам урғу берилганлиги ёки диққат марказидан йироқлигидан далолат беради.

Бизнинг тушунчамизда эса – *шахснинг ҳаёт йўли мазмунини англаши* – *шахснинг борлиқни (предмет, табиат, умуминсоний қадриятлар ва шу*

кабилар) ички, ақлий фаолияти ёрдамида бевосита англаши, ҳис қилиши ва кечинмалари асосида ўз тушунчаларини умумлаштириши ва қуриши таъсирида пайдо бўлган психик жараёни натижаларидир (Ф.Муродова).

“Ҳаётни англаш” ва “дунёни ангаш” тушунчалари фалсафа ва XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида шаклланиб келаётган психология фанида кенг қўлланилган. Мазкур муаммога ҳиссий-интуитив ёндашувда – ҳаётни англаш тушунчаси баъзи тадқиқотчилар томонидан (Г.Зиммель, Эдв.Гуссерель, А.Бергсон) ўз ҳаётини мушоҳада қилиш, ҳаёлга чўмиш, кузатиш каби тушунчалар билан изоҳланади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ҳолатда индивиднинг бошидан кечирган ўз тажрибаларини мушоҳада қилиши назарда тутилмоқда.

Дильтей эса инсон “кечинмаларини” илмий билишнинг асосий методи сифатида ўз тажрибаларида қўллаганлиги манбаларда кузатилади.

Г.В.Платоновнинг фикрича, барча табиий фанлар эса борлиқ, оламнинг табиий манзарасини яратади, деб таъкидлайди. (59)

С.Б.Крымскийнинг таъкидлашича, оламни англаш, кишиларнинг субъект сифатида маданий-тарихий воқеларга киришиши оқибатида, юксак тараққиёт рамзларини англаб етиши, ижтимоийлашуви жараёнида ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириши деган фикрни билдиради.

М.С.Гиршкопфнинг айтишича, оламни тадрижий англаш жараёнида бизнинг ҳаётимиз узлуксиз биологик-психологик тараққиёт жараёни занжирининг энг зарур звеносини ташкил этади. Файласуф олимлар Г.Риккерт ва М.С.Гиршкопф томонидан фанга киритилган маданий-тарихий тараққиёт ҳақидаги ғояси, кейинчалик Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, А.Р.Лурияларнинг психологик таълимотида ўзининг ривожини топди.(20,36,39)

Оламни мушоҳада қилиш туфайли англаш борасида Г.Риккерт қуйидаги хулосага келади, оламни мушоҳада қилиш туфайли кенг доирадаги дунёқараш билан кишиларнинг шахсий нуқтаи назари уйғунлашади, улар бирлашади, деган фикрни билдиради.

XX асрга келиб, оламни мушоҳада туфайли англаш ғояси онг категориясига доир методологик негизининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Хусусан, С.Л.Рубинштейн, онг тушунчаси борлиқни англашда муҳим омил деб, борлиқни инъикос этувчи юқори форма деб атайди. С.Л.Рубинштейн “Бытие и сознание” асарида унинг уч асосий хусусиятини: англаш, тушуниб етиш ва таъсирланиш каби жиҳатлари мавжудлиги айтади. С.Л.Рубинштейн учун ўз ҳисларини англаш, нафақат у билан боғлиқ тўлқинланиш ва ҳаяжонланиш билан боғлиқ психик кечинмаларини ҳис қилиш, балки маълум бир предметга йўналтирилган образларини вужудга келишга сабаб бўлади. Шу тариқа, бизнинг хусусий кечинмаларимиз, объектга бўлган муносабатларимиз орқали билвосита намоён бўлади. А.Н.Леонтьев ва С.Л.Рубинштейнлар онг тушунчасини олам категорияси туфайли идрок қилишни назарда тутди. (48)

Е.Трубецкойнинг фикрича “оламни англаш” категорияси кишиларнинг ҳаёт мазмуни орқали изоҳланишини таъкидлайди. (48)

Мазкур муаммо доирасида адабиётлар таҳлилидан маълум бўлишича, ҳаётни англаш ва борлиқни билиш категорияларига нисбатан учта методологик ёндашувни кузатиш мумкин, булардан биринчиси ҳаётни ҳис қилиш ёки ҳиссий-интуитив парадигма туфайли ҳаётни англаш бўлса, иккинчи ҳолатда эмоция ва кечинмалар орқали ҳаётни рационал билишдан иборат. Учинчи ёндашувда эса, инсонни ўраб турган оламнинг маъносини англаш туфайли ҳаётни билишдир.

Барча учта методологик ёндашувга асосан, қуйидагича таъриф бериш мумкин, **ҳаётни англаш – психик жараён сифатида, инсонларнинг ҳаётидаги турли табиий ва ижтимоий соҳаларда ўзларининг бошдан кечириши, англаши ва тушуниш тажрибаси ўлароқ, уларга яшаш учун зарур бўлган имкониятларини юксалтиришдан иборат.**

Мазкур ҳолатда, ҳаёт тажрибаси - индивиднинг атроф-олам ва бошқа кишилар билан муносабати жараёнида бошдан кечирганлари ва ўзлаштириши демакдир. Шу маънода, ҳаёт тажрибаси юксак қадрият ва қимматга эгадир, зеро, у индивиднинг тўлақонли яшаши учун муҳим шарт ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар психологиясига оид тадқиқотлар билан бирга етуклик ва кексалик даврини ўрганишга бўлган қизиқишлар кўлами янада кенгайиб боришини кузатиш мумкин. Шубҳасиз, бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта.

Етуклик давринининг босқичлари ҳақида янада яққол тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги, америкалик олим Левинсон (Levinson, 1986) томонидан тавсия этилган қуйидаги жадвалга мурожаат қиламиз (3-жадвал).

ЕТУКЛИК ДАВРИНИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

(Ижодий салоҳият нуқтаи назаридан)

Босқич	Таснифи	Ёши
0	Катталар ҳаётигача бўлган давр	Туғилишдан 22 ёшгача
1	Ёшлик даврига қадам қўйиш	17-22
2	Ёшлик даврида мустақил ҳаётнинг бошланиши	22-28
3	Ўттиз ёшлилик даврига қадам қўйиш	28-33
4	Ёшликнинг кульминацион босқичи	33-40
5	Ҳаётнинг ўрта давридан ўтиш	40-45
6	Эллик ёшлилик давридан ўтиш	50-55
7	Ҳаётининг циклда етукликнинг кульминацион даври	55-60
8	Кексаликка ўтиш	60-65

Юқорида зикр этилган ҳар бир тараққиёт даврининг ўзига хос аҳамиятли томони бор, албатта.

Сўнгги йилларда фанлар туркумида акмеология фани ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келмоқда. У айнан етукликка эришишнинг шарт-шароитларини ўрганиб, давр нуқтаи назаридан айтиб муҳокама қилинаётган ёш давлари хусусиятларини ўраганиди.

АКМЕОЛОГИЯ (грекча **akme** – *чўққи, такомил, ниманингдир энг юқори босқичи, гуллаган даври* маъноларини англатади) илму-фаннинг шундай янги тармоғи сифатида, у инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомилли хамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларини намоён қилишининг комплекс масалаларини ўрганади. Яъни, у шахсни ўз такомилли жараёнида, ана шу тараққиёт ва юксалишнинг объектив хамда субъектив омиллари доирасида тадқиқ этади. “Акмеология” тушунчаси дастлаб фанга рус олими Н.А.Рыбников томонидан 1928 йили киритилган

бўлиб, унинг ўзи бу фан предметини етук инсонларнинг шаклланиш жараёнидир, деб таърифлаган эди. Лекин том маънодаги жиддий фан сифатида унинг шаклланишига Б.Г.Ананьев ва унинг издошлари бўлган петербурглик олимлар алоҳида улуш қўшишган. Уларнинг таъкидлашича, акмеологиянинг предмети – одамнинг ижодий салоҳияти бўлиб, у инсон томонидан ўзига иноят этилган барча имкониятлар ва иқтидорни қандай шарт-шароитларда, қайси қонуниятлар таъсирида рўёбга чиқаришини комплекс тарзда ўрганади.

Акмеология фанининг асосий вазифаси - онгли фаолият субъекти бўлмиш шахсни турли фаолият жараёнларида, хусусан, танлаган касб-кори, ихтисослиги доирасида ўз ижодий салоҳиятини тўла очиш ва амалда намойиш этишига боғлиқ бўлган билимлар, амалий кўникмалар, малакалар, технологиялар билан таъминлаш, таништиришдир.

В.Зазыкин ва А.Чернышовларнинг таъкидлашича, “акмеология - моҳиятан етук, баркамол инсонларнинг ривожланиши тўғрисидаги фандир”. Шунинг учун ҳам бу фан биз учун жуда муҳим ва унинг имкониятлари деярли очилмаган. Бирор касб-корни танлаган мутахассис ўша ўзи танлаган ҳунарда юқори самараларга эришиш учун ўзидан шахсан қайси сифатлар талаб қилинишини яхши билиши ва шу орқали касбий маҳорат ёки профессионализм чўққиларини забт этиши мумкин. Касбий маҳорат – бу шундай неъматки, унинг самараси нафақат ўша инсоннинг – касб соҳибининг ўзига, яқинлари, оиласига наф келтиради, балки бунинг оқибати яхлит жамият ва инсониятга манфаатли эканлигини уни ижодий ишлашига, ўз такомиллик даражасидан қониқмаган ҳолда тинимсиз изланишда бўлишига ундайди. (27)

2.2 . Етуклик даврида ижтимоий омилларнинг аҳамияти

Шахс ижтимоийлашувининг энг асосий маҳсули – бу унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятга манфаат келтирувчи фаолиятларида иштирок этишидир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, шахснинг йўналганлиги масаласига ҳам фанда алоҳида эътибор берилади. *Ижтимоийлашув жараёнида шахс ҳаёт-фаолиятини йўналтириб турадиган ва реал вазиятларга нисбатан турғун, барқарор мотивлар мажмуига эга бўлишлик шахснинг йўналганлиги деб аталади.*

Йўналганликнинг энг муҳим таркибий қисмларини қуйидагилар ташкил этади:

Масъулият – бу ижтимоийлашув жараёнида шахснинг етуклигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан саналади. Сўнгги йилларда Ғарб ва рус психологиясида *назорат локуси назарияси (теория локуса контроля)* кенг тарқалдики, унга мувофиқ, ҳар бир инсонда икки типли масъулият кузатилади. Биринчи типли масъулият шундайки, шахс ўзининг ҳаётида рўй бераётган барча ҳодисаларнинг сабабчиси, масъули сифатида фақат ўзини тан олади (“Мен ўзим барчасига сабабчиман”, “Менинг ҳаётим ва ютуқларим фақат ўзимга боғлиқ, шунинг учун ўзим учун ҳам, оилам учун ҳам ўзим жавоб бераман”). Масъулиятлиликнинг иккинчи тури ундан фарқли, барча рўй берган ва берадиган воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташқи омиллар, бошқа одамлар (ота-она, ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, таниш-билишлар ва бошқалар).

Хориж мамлакатларида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, иккинчи турли масъулият кўпроқ ўсмирларда намоён бўлиб, улардан 84% масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойил эканлар. Бу маълум маънода ёшлар ўртасида масъулиятсизликнинг авж олганлигидадир. Шунинг учун ҳам “назорат локуси” тушунчасини фанга киритган америкалик Дж.Роттер (J.Rotter)нинг фикрича, масъулиятни ўз бўйнига олишга ўргатилган болаларда хавотирлик, нейротизм, конформизм ҳолатлари кам учраган. Улар ҳаётга тайёр, фаол, мустақил фикр юритувчилардир. Уларда ўзини ҳурмат қилиш

хисси ҳам юқори бўлиб, бу бошқалар билан ҳам ҳисоблашиб яшашга сира халақит бермайди. Шунинг учун ижтимойлашувнинг муҳим босқичи кечадиган таълим муассасаларида ёшларга кўпроқ ташаббус кўрсатиш, мустақил фикр юритиш ва эркинликни ҳис қилишга шароит яратиш керак ва бу ҳозирги кунда давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этади.

Мақсадлар ва идеаллар – ижтимойлашувнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шаклланадиган мақсадлар ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш, эртанги кунини тасаввур қилиш, узоқ ва яқинга мўлжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Мақсад ва режасиз инсон – маънавийсиз пессимистдир. Бу мақсадлар доимо ўзининг англанганлиги ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги билан характерланади. Уларнинг шаклланиши ва онгда ўрнашишида маълум маънода идеаллар ҳам роль ўйнайди. Идеаллар – шахснинг ҳозирги реал имкониятлари чегарасидан ташқаридаги орзу-умидари, улар онгда бор, лекин ҳар доим ҳам амалга ошмайди. Чунки уларнинг пайдо бўлишига сабаб бевосита ташқи муҳит ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, боланинг идеал отаси, у отасидай машҳур ва эл суйган ёзувчи бўлмоқчи. Бу орзуга яқин келажакда эришиб бўлмайди, лекин айнан ана шундай идеаллар одамга мақсадлар қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишга иродани сафарбар қилишга ёрдам беради.

Қизиқишлар ва эътиқод – қизиқишлар ҳам англанган мотивлардан бўлиб, улар шахснинг атрофида рўй бераётган ҳодисалар, одамлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиликлар борасида фактлар тўплаш, уларни ўрганишга имкон берувчи омилдир. Қизиқишлар мазмунан *кенг ва тор, мақсад жиҳатидан профессионал, бевосита ва билвосита* бўлиши, вақт томонидан барқарор, доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Қизиқишларнинг энг муҳим томони шундан иборатки, улар шахс дунёқараши ва эътиқодини шакллантиради. Чунки, *эътиқод* шахснинг шундай онгли йўналишики, у инсонга ўз қарашлари, тамойиллари ва дунёқарашига мос тарзда яшашга имкон беради. Халқ доимо эътиқодли иноснларни ҳурмат қилади.

Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин – Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, ахлоқий меъёрларга, оилага, гўзаллика ва шунга ўхшаш.

Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганини жуда яхши англайди. Шу туфайли ҳақиқий эътиқодли инсон илмга интилади, ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини тушунишга интилади, гўзаллик яратиш, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади. Яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳақиқий эътиқод соҳибида соғлом фикр бўлиб, бу фикр орқали у инсониятнинг умрбоқийлигини идрок этади, ўзидан оиласига, фарзандларига нимадир қолдириб кетишни истаб яшайди. Шунинг учун эътиқодлилиқ – шахсдаги журъат, мардлик, фидойилиқ, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби қатор ижобий сифатлар билан боғлиқ.

Имон – “имон” арабча сўз бўлиб, луғавий маъноаси ишончдир. Ҳақиқий эътиқодли одамда имон ҳам бўлади. Имон келтириш ва ишонч шундай психологик ҳолатки, унда шахснинг эътиқодига мос келадиган, бирор аниқ нарсга ва ҳодисаларнинг таъсирида онгда ўрнашиб қоладиган тасаввурлар мажмуи етакчи рол ўйнайди. Имон объекти кўпинча шахс томонидан чуқур таҳлил қилинмайди, текширилмайди, чунки инсоният тажрибаси, шахс эътиқод қилган ижтимоий гуруҳнинг қарашлари мужассам бўлади.

Имон тушунчасига фақат диний тушунча сифатида қараш нотўғридир. Чунки ҳар кунги фаолиятида инсонларга нафи тегадиган амаллар, савоб ишлар қилиш, солиҳ хулқ соҳиби бўлиш, оиласи, яқинларига меҳр-муҳаббатни аямаслик, жамиятдаги хулқ меъёрларини қалбан ҳис қилиб, уларга амал қилиш, уларни бузмасликка интилиш ҳам имондан эканлигини унутмаслик керак.

Дунёқараш – эътиқод ва қизиқишлар ҳар биримизда дунёқарашни шакллантиради. Шахснинг дунёқарашини – тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жамиятда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди. Мустақиллик даврида шаклланаётган янгича дунёқараш

ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўз яқинларига меҳрибон ва танлаган йўлига – касби, маслаги ва эътиқодига содиқлигини назарда тутди. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқоддир.

Ижтимоий установакалар – соф психологик маънода янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм - ижтимоий установакалардир. Бу – шахснинг атроф муҳитда содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир.

Рус олими В.А.Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда установакаларни тўрт босқич ва тўрт тизимли сифатида тасаввур қилган.

А) элементар установакалар (set) – оддий, кундалик эҳтиёжлар асосида кўпинча онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт-шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.

Б) ижтимоий установакалар (attitud) – ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт-шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) базавий ижтимоий установакалар – улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди. Ҳаётий йўналишлари моҳиятидан келиб чиқади, уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашларни ўзгартириш демакдир.

Г) қадриятлар тизими – улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда кадр-қиммат топган нарсаларга нисбатан установака. Масалан, саҳиҳ ҳадислар шундай қадриятлардандир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаларсиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илоҳий, ҳам энг буюк инсонлар томонидан яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган қадриятлардир. (27)

Ижтимоий установакаларни ўзгартиришнинг энг содда ва қулай усули – бу айти вазиятлар ва улардаги таъсирларни қайтаришдир. Бу қайтариш қайд қилинган образ сифатида инсон онгида узоқ муддатлаи хотирада сақланади ва вазият пайдо бўлганда, *объективлашади*, яъни ўз кучини ва мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам агар чет эл тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ерда бирор ғояни онгга сингдириш учун бир одам ёки бирор гуруҳ ўз сиёсий, мафкуравий ёки бошқа қарашларини бир хил сўзлар ва иборалар. Ҳаракатлар билан қайтараверади ва шу йўл билан кўпчиликнинг маъқуллашига эришади. Айтикса, сайлов олди тадбирларида ана шу усул кенг қўлланилади. Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий установакаларни ўзгартиришнинг усуллари ва психологик воситалари орқали ҳам дунёқарашни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Ижтимоий норма – шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ-атворида, кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатларга нисбатан талаблардир. Масалан, ўзбеклар учун бирор хонага кириб келган инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар, “Ассалому алайкум” деб келиши – норма; ўқувчининг ўқитувчи берган топшириқларни бажариши лозимлиги – норма; хотиннинг эр ҳурматини ўрнига қўйиш, қайнонага гап қайтармаслик – норма; автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарга, ногиронларга ўрин бўшатиши – норма ва ҳоказо. Бу нормаларни айрим – алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётий вазиятларда кўпчилик томонидан эътироф этилганлиги факти билан характерланади, ҳар бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологиясида муҳрланади.

Ижтимоий нормаларнинг у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан амал қилинаётгалиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади. **Ижтимоий санкциялар** – нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамотчиликнинг салбий фикри объектига айланиб

қолмасликка ҳаракат қиламиз. Масалан, юқоридаги мисолда, агар жамоат транспортида катта мўйсафид кишига ўрин бўшатишни норма деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўпчиликнинг айблов кўз билан қараши, ёки оғзаки танбеҳ бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг кўлидан тутиб, нима қилиш кераклигини ўргатиб, “кўзини мошдай қилиб очиб кўйиш” ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўринишидир.

Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий ролларни бажариши мобайнида ҳулқида намоён бўлади. **Рол** – шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг аниқ бир ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган бўлсак, уни бажариш – у ёки бу олий ўқув юртида таҳсил олиш, унинг моддий базасидан фойдаланиш, кутубхонага аъзо бўлиш, стипендия олиб, маъмуриятнинг ижтимоий ҳимоясида бўлиш каби қатор ҳуқуқлар билан биргаликда ўша олийгоҳ ички тартиб-интизоми нормаларига сўзсиз бўйсиниш, дарсларга ўз вақтида келиш, рейтинг баҳолов талаблари доирасида кундалик ўзлаштириш нормаларини бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган жамоатчилик топшириқларини ҳам бажариш каби қатор бурчларни ҳам ўз ичига олади. Бу рол унинг уйга боргач бажарадиган “фарзандлик” роли (ота-она, яқин қариндошлар олдида) талаб ва имтиёзларидан фарқ қилади, яъни аниқ бир шахснинг ўзига хослиги ва қайтарилмаслиги у бажарадиган турли-туман ижтимоий ролларнинг характерида келиб чиқади. Шунга кўра, кимдир “тартибли, баъмани, фозил, ахлоқли ва одобли” дейилса, кимдир беъмани, бебош, ўзгарувчан, иккиюзламачи деган ҳаётий мавқега эга бўлиб боради.

Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоий роллар кўплиги сабабли ҳам, турли вазиятлардаги унинг мавқеи – статуси ҳам турлича бўлиб қолади. Агар бирор рол шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаб роли), у бошқа ролларни унчалик қадрламаслиги ва оқибатда, ўша вазиятда бошқачароқ, ноқулай ва нобоп мавқеини эгаллаб қолиши мумкин. Қолаверса, ролларнинг кўплиги баъзан

роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкинки, оқибатда – шахс ички руҳий қийинчиликларни ҳам бошдан кечириши мумкин. Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида ишлаб турган корхонасига комиссия келиши ва унинг фаолиятини текшираётганлигини билиб, руҳий азобга тушади – бир томондан, талабалик ва унинг талаблари, иккинчидан – касбдошлар олдида уялиб қолмаслик учун ҳар куни ишхонага ҳам бориб келиш.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар шароитида шахсдан бир вақтнинг ўзида катор қобилиятлар ва малакаларни талаб қилмоқдаки, айниқса, ёшлар ўзгарувчан шароитга тез ва оғриқсиз мослашуви учун баъзан бир-бирига зид бўлган турли хислатларни ҳам хулқида намоён қилишга мажбур бўлмоқда. Масалан, ёш оила бошлиғи, талаба, ота-оналарига моддий жиҳатдан қарам бўлмаслик мақсадида, бир вақтнинг ўзида ҳам итоаткор, интизомли талаба ва ишдан кейин эса – чаққон ва уддабурон тадбиркор ёки бирор бошқа фаолият билан шуғулланиши мажбур бўлиши мумкин. Бу ҳолат табиийки, шахсдан кучли ирода, доимий интилувчанлик ва ўз устида муттасил ишлашни талаб қилади.

Зикр этилган ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Бироқ, инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ-ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракатлари унинг ўзига, албатта боғлиқ. Одамнинг ўзини ўзи англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари. Қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилиши лозим. Яъни, ижтимоий хулқ – шахс томонидан уни ўраб турган инсонлар, уларнинг хулқ-атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишдан ҳосил бўлган образ – “Мен” – образи деб юритилиб, унинг

қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилайди ва унинг баркамоллиги мезонларидан ҳисобланади.

“Мен” – образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундан иборатки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, тарбияни шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиш жараёнидин, деб таъриф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни тарбияланган бўлади.

Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча аниқ шахс томонидан оғир кечади, яъни, инсон табиати шундай яратилганки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган. Номасқул сифатларни англамасликка, уларни “яширишга” ҳаракат қилади. Ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар, психоанализ асосчиси З.Фрейднинг таъкидлашича, онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади. Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, ҳиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Мен” – образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати ва мулоқоти муҳим рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гўёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қилади. Бу жараён психологияда **рефлексия** деб аталади.

Унинг моҳияти – айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Рефлексия “Мен” – образи эгасининг онгига тааллуқли жараёндир. Масалан, кўчада бир танишингини учратиб қолдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютуқларингиз ва машғулотларингиз ҳақида гапирмоқдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг қаергадир шошилаётганлигига эътибор бермадингиз. Шу нарсани сиз унинг бетоқатлик билан сизни тинглаётганлигидан, хаёли бошқа ерда турганлигидан билиб қоласиз ва шу орқали айна шу пайтда “махмадона, лақмароқ” бўлиб

қолганингизни сезиб қоласиз. Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганда, олдинги хатога йўл қўймаслик учун “ўртоқ, шошмаяпсанми?” деб сўраб қўясиз. Ана шу илгари рефлексиянинг натижасидир. Яъни, суҳбатдош ўрнига туриб, ўзингизга ташланган назар (“Мен унга қандай кўринаяпман?”) – рефлексиядир.

Шахснинг ўзи ҳақидаги образи ва ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш айниқса, ўсмирлик даврида жуда тез ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган “катталиқ” ҳисси қиз болаларда ҳам, ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини ҳам белгилайди. Қизлардаги “Мен” – образининг яхши ва ижобий бўлиши кўпроқ бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олиши. Аёллик ҳислатларининг ўзида айна пайтда мавжудлигига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғли уйғун эканлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирликда ўғил болалардаги бўйнинг пастлиги, мускулларнинг заифлиги ва шу асосда қурилган “Мен” – образи қатор салбий таассуротларни келириб чиқаради. Қизларда эса ташқи тарафдан гўзалликка, келишганлик, одоб ва аёлларга хос қатор бошқа сифатларнинг бор-йўқлигига боғлиқ ҳолда “Мен” образи мазмунан идрок қилинади. Қизларда ҳам ортиқча вазн ва терисида пайдо бўлган айрим тошмалар ёки шунга ўхшаш физиологик нуқсонлар кучли салбий эмоцияларга сабаб бўлса-да, барибир. Чиройли кийимлар. Тақинчоқлар ёки сочларнинг ўзига хос турмаги бу нуқсонларни босиб кетадига омиллар сифатида қаралади.

“Мен” – образи асосида ҳам бир шахсда ўзига –ўзи нисбатан баҳолар тизими шаклланадики, бу тизим ҳам образга мос тарзда ҳар хил бўлиши мумкин. Ўз-ўзига баҳо турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тажрибаси. Шу тажриба негизида ётган ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни. Айни бирор иш, ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошқаси таъсирида – аксинча, пастлаб кетиши мумкин. Бу баҳо аслида шахсга

бошқаларнинг реал муносабатларига боғлиқ бўлса-да, аслида шахс онги тизимидаги мезонларига, яъни, унинг субъектив тарзда шу муносабатларини қанчалик қадрлашига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мактабда бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мақтовлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошқа бир ўқитувчининг салбий муносабати ҳам бу баҳони пастластмаслиги мумкин. Яъни, бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, у субъектив характерга эгадир.

Ўзига-ўзи баҳо нафақат ҳақиқатга якин (адекват), тўғри бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин.

Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қўяётган талабларининг ўта ортиқлиги, уларни уддалай олмаслик. Турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши, ишда, ўқишда ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ўсмир ёки катта одам ҳам, доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четроқда юришга ҳаракат қилиши, ўзининг кучи ва қобилиятларига ишончсизлик кайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва ҳатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоки, бундай ҳолат суицидал ҳаракатлар, яъни ўз жонига қасд қилиш, реал борлигидан “қочишга” интилиш руҳиятини ҳат келтириб чиқариши мумкин.

Ўз-ўзига баҳонинг ўта юқорилиги ҳам шахс хулқ-атворига яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки, у ҳам шахс ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бўрттирилиши, ноўрин мақтовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш шаклланади. Ана шундай шароитда пайдо бўладиган психологик ҳолат “ноадекватлик эффекти” деб аталиб, унинг оқибатида шахс ҳаттоки, мағлубиятга учраганда ёки ўзида ночорлик, уқувсизликларни сезганда ҳам бунинг сабабини ўзгаларда деб билади ва шунга ўзини ишонтиради ҳам (масалан, “халақит берди-да”, “фалончи бўлмаганда” каби баҳоналар кўпаяди). Яъни, нимаики бўлмасин, айбдори ўзи эмас, атрофдагилар. Шароит, тақдир айбдор. Бундайлар ҳақида бора-бора одамлар

“оёғи ердан узилган”, “манмансираган”, “димоғдор” каби сифатлар билан гапира бошлайдилар. Демак, ўз-ўзига баҳо реалистик, адекват, тўғри бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Реалистик баҳо шахсни ўраб турганлар – ота-оналар, яқин қариндошлар, педагог ва мураббийлар, қўни – қўшнилар ва яқинларнинг ўринли ва асосли баҳолари, реал самимий муносабатлари маҳсули бўлиб, шахс ушбу муносабатларни илк ёшлигиданоқ холис қабул қилишга, ўз вақтида керак бўлса тўғрилашга ўргатилган бўлади.

Шундай қилиб, ўз-ўзига баҳо соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормалига. шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади.

II.3 §. Етуклик даврининг характери ва камол топишининг ўзига хос хусусиятлари

Инсон характери ни таркиб топтиришнинг муҳим омили тариқасида вазият (ситуация) етакчи роль ўйнайди ва регуляторлик вазифасини бажаради. Вазият баъзида қўштимул. жуфт детерминатор, қўшмеханизм сифатида узлуксиз руҳий ҳолатлар (қайси муҳитда бўлишдан қатъий назар) вужудга келиб туришини таъминлаши мумкин. Вазиятлар экстремал (фавқулодда), казусли (тасодифий), каузал (сабабий) каби кўринишларга эга бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Экстремал вазиятлар ё табиий омиллар, ҳодисалар таъсири, натижаси моҳиятидан келиб чиқиб, офатлар, ларзалар, табиатнинг инжиқликлари, мўъжизалари. Даҳшатли кучлари шаклида намоён бўлиши, вужудга келиши, кечиши ва ривожланишидан иборатдир. Индивиднинг муайян даражада уюшган гуруҳ (этник бирлик)нинг муносабати характерологик хусусиятларининг шаклланишига зарур объектив ва субъектив қулай шароитлар яратилишига имкон яратади. Вазиятлар ўзининг моҳияти билан расмий ёки норасмий гуруҳлар, махсус мутахассислар томонидан уюштирилиши ҳам мумкин (масалан, ҳарбий машқлар ва бошқалар). Уларнинг акс садосига нисбатан жавоб реакцияси (гоҳида акция) сифатида вазиятларнинг қатнашчилари муносабати уларнинг характер хусусиятларида ифодаланади. Кутилмаган фавқулоддаги вазиятлар қаторига психотерапевтик таъсир ўтказиш, гипнотик ҳолатга келтириш, онгсизликка тушириш оқибатларида бир ёқлама руҳий таъсир ўтказиш ҳамда таъсирга берилиш (диада, триада, полиада) натижасида ўта ишонч билдириш туфайли таъсир доирасига кириб қолиш миллий характернинг кучлилиги ёки кучсизлигини намоёйиш қилади.

Мазкур вазиятлар қаторига алкоголизм, наркомания, таксикомания ҳолатларидан онгсиз идеомотор ҳаракатларга тортилганлик, инсоний қиёфадан ҳайвоний ҳирсларга ўтиш. Фикрларни узатишда қўпол нуқсонларга йўл

қўйиш. ўзини ўзи онгли равишда бошқариш (гуруҳий жипслилик) имкониятини йўқотиш жараёнлари шулар жумласидандир.

Субъектив мақсадни амалга оширишга йўналтирилган сунъий вазиятлар ҳам характерологик хислатларни синашда муҳим объектив сифатида хизмат қилади (масалан, шижоат, эҳтирос, стресс, аффект).

1. Казусли (тасодифий) вазиятлар инсон ҳаёти ва фаолиятида алоҳида касб этиб, унда ишонч, қатъиятлик, барқарорлик, мустақиллик, таъсирга берилувчанлик каби хислатлар ёки иллатлар устуворлиги ҳамда барқарорлиги ҳақида маълумот олишга замин ҳозирлайди.

Бундай вазиятларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири – бу толерантликнинг вужудга келиши билан боғлиқ нейрофизиологик, психофизиологик, механизмлардан иборатдир. Бизнинг таъбиримизча, уни келтириб чиқарувчи омиллар, асосан 2 қутбга тааллуқли бўлиб, бири тасодифий, ёндош қўзғатувчилар таъсирида юзага келиб толерантликга асосланади, иккинчиси эса ички қўзғовчилар “реакциялар” (“акциялар”) орқали ифодаланиб, кўпроқ субъектив омиллар маҳсули ҳисобланади, армоннинг ҳар хил шакллари функциясини бажаради. Одамлилик худди шундай руҳий ходисаларни вужудга келтиради, шахснинг (этник бирликнинг, жамоанинг) фаолликка ундовчи узлуксиз ҳатти-ҳаракатлар қушстимул вазифасини муваққат бажаришга киришиши мумкин. Биринчи ҳолатда, шижоат ҳаракатлантирувчи механизм ролини бажарса, иккинчидан эса, ушалган эзгу ният, ички руҳий ғалаён туғилаётган фикрларнинг “жанги”, уларнинг ўзаро қарама- қарши таянч нуқталарига эга эканлиги ҳал қилувчи стимул функциясини ижро этади. Шахслар аро муносабат негизидан келиб чиқувчи муваффақият ва муваффақиятсизлик, одамлилик ва одамсизлик кабиларни вужудга келтиради. Масалан, талабанинг юқори баллга эришганлиги уни янада илҳомлантиради, курсдошида эса 2 хил хусусиятли кечинмани юзага келтириб, бир томондан хоҳиш, иштиёқ, илҳом, эзгулик ҳис туйғуларининг кучайишига олиб келади. Иккинчи томондан эса ғайрилиқ илллати индивидни (шахсни) фаоллик сари етаклайди.

2. Каузал (сабабий) вазиятнинг пайдо бўлиши субъектив кечинмалар, манбалар негизи билан уйғунлашиб, хилма-хил эҳтиёжлар, мотивлар, эгоистик ёки альтуристик позициялар, туб маънодаги фидойилик намунасининг сабабий боғлиқликлар (детерминаторлар) махсули устига қурилади. Ватанпарварлик туйғуси инсонни (гуруҳни, жамоани) ижодий изланиш сари етаклайди, барқарор ҳаракатлантирувчи кучларни вужудга келтиради, пухта механизмлар узлуксизлигини таъминлашда иштирок этади. Қонуниятлар маънавий жиҳатдан эскириши, янгиларини очишга интилиши, муайян назариялар яратишга иштиёқлилик туғилиши ҳам жисмоний ҳам ҳуқуқий шахс (гуруҳ) олдига истиқбол мақсадлари режаларини қўяди.

Онтогенезнинг муайян қонуниятлар асосида кечишини таъминловчи омиллардан бири бу – шарт-шароитларнинг мавжудлигидир. Юқоридаги таснифга қараганда шарт-шароитлар ўзининг шакли, мароми, моҳияти, омилкорлиги, оқиллиги сингари хусусиятлар билан объектив, субъектив, моддий, маънавий турларга ажратиш мумкин:

- объектив шарт-шароитлар – табиат қонунлари, борлиқнинг мўжизалари, биоритмика, табиий заруриятлар мавжудлигини ифодалайди;
- субъектив шарт-шароитлар шахслилик, шахслараро муносабат, микро, макро ва мезо- муҳитдаги ижтимоий психологик, коммуникатив, интерактив, перцептив таъсирлар ҳамда ўзаро таъсирларнинг муайян маромларига риоя қилишлиги билан тавсифланади;
- моддий шарт-шароитлар инсон камолоти учун энг зарур ашёлар, воситалар, жисмлар, қуроллар билан таъминлангандагина мақсадга мувофиқ индивидуал ёки ҳамкорлик хатти-ҳаракатлари амалиётда қарор топиши мумкин;
- маънавий шарт-шароитлар индивиднинг (гуруҳнинг) онги, ақл-заковати, ҳуқ-атвори, билим савияси юксаклиги, қадрият мазмуни ҳамда моҳиятлари мажмуасини тушуниш босқичига эга эканлигига шохидлик кабилардан ташкил топади.

БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР:

Илмий ишимизнинг ушбу боби етуклик даврига бағишланган фалсафий ва психологик қарашларнинг туб моҳиятини ёритишга хизмат қилади, унга биноан онтогенезнинг етуклик даврида инсонларнинг ҳаёти мазмунини англаши, кишиларнинг яшашдан мақсади ва мазмуни, уларнинг олам ва одам борасидаги фикрларининг янада теран англаб етиши учун муҳим палла эканлигини аниқланди.

Бу борада акмеология – фан сифатида онгли фаолият субъекти бўлмиш шахсни турли фаолият жараёнларида, хусусан, танлаган касб-кори, ихтисослиги доирасида ўз ижодий салоҳиятини тўла очиш ва амалда намоёиш этишига боғлиқ бўлган билимлар, амалий кўникмалар, малакалар, технологиялар билан таъминлаш, таништириш ҳақидаги соҳа эканлиги ва унинг зарурияти ҳақида фикр юритилди.

Шунингдек, етуклик даври – шартли равишда икки босқичдан иборат эканлиги, ҳар бир босқич ўзига хос сифат ва фазилатларнинг ривожланиши учун қулай вазият бўлса, баъзи хислатларнинг эса инволюцияга учраши маълум бўлди.

Етуклик даврида ўзига ўзи тўғри ва адекват баҳо бериши ўта муҳим шахсий фазилат ҳисобланади, зеро у туфайли киши ижтимоий ҳаёти ва фаолиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши мумкин.

Бу борада ижтимоий омиллар, чунончи, шахснинг қизиқишлари ва қарашлари, эътиқод ва иделлари, ижтимоий норма ва санкциялар, ижтимоий ролларни қай даражада ижро этиши кўп жиҳатдан етуклик даврининг тўлақонли шахс бўлиб шаклланишига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатади.

Шу ўринда, етуклик даврида характер хусусиятлари ва камол топишида турли вазият ва ҳолатлар ўзининг жиддий таъирин кўрсаташи маълум бўлди. Фавқулодда, тасодифий ва сабабий вазиятлар шахснинг характер хислатлари ва камол топишида муҳим роль ўйнайди, унинг кейинги ривожи учун замин тайёрлайди.

III. ЕТУКЛИК ДАВРИНИ ЭМПИРИК ЎРГАНИШ

III.1. Эмпирик тажрибалар ва олинган маълумотларнинг миқдор ва сифат таҳлили

Илмий–тадқиқот ишининг мазкур параграфи, етуклик даврини эмпирик ўрганишга бағишланган бўлиб, у бир неча босқичдан иборат.

Чунончи, унинг дастлабки этапида, синалувчиларнинг **“етуклик даври”** хақида уларнинг субъектив фикрини билишга уриндик ва шу мақсадда контент-анализ методидан унумли фойдаландик.

Биз респондентларга қуйидаги савол билан мурожаат қилдик: **“Сиз учун етуклик даври нимани англатади?”** Анкетадаги ушбу саволга респондентлар: **“Етуклик даври - ...”** жумласини давом эттириш билан ўз фикрларини билдириши керак эди.

Контент-анализ методи ёрдамида биз таянч тушунчаларни ажратиб олишга муваффақ бўлдик, улар ушбу жадвалда ўз аксини топган.

Етуклик даврини субъектив баҳолаш бўйича частотали таҳлил жадвали

Жадвал № 4

№	Таҳлил учун категориялар	Танланган тушунчалар миқдори	%
1	Ҳаётнинг бир палласи	11	8,3
2	Заифлик, кучсизлик	6	4,5
3	Ҳаётни англаш, таҳлил қилиш	9	6,8
4	Тажриба орттириш	8	6,0
5	Табиат қонуни	8	6,0
6	Ҳаётнинг аста-секин яқун топиши	6	4,5
7	Маҳсулдорлик	12	9,0
8	Ақл-идрок, заковат	7	5,3
9	Ҳурмат-эҳтиром	5	3,7
10	Фаоллик, жўшқинлик	15	11,3
11	Янгича ҳаёт тарзи	4	3,0
12	Кўп нарсага эришишим керак! – қабалида яшаш	12	9,0
13	Ҳаётда кўп нарсадан кеч қолаяпман – қабалида яшаш	9	6,8
14	Умрим жуда тез ўтиб бормоқда, улгурмаяпман –қабалида яшаш	10	7,5
15	Тоат-ибодат даври	5	3,7
16	Сустлик, бўшашганлик даври	5	3,7
Жами		132	100,0

Жадвалдаги натижалар ҳамда анкета саволларига олган жавоблардан маълум бўлишича, респондентларнинг “етуклик даври” ҳақида тасаввур ва тушунчалари турлича эканлиги маълум бўлди.

Масалан, сўровномада иштирок этганларнинг 11,3 % етуклик даврини ҳаёт палласининг жўшқин ва фаоллик даври деб тавсиф беришади. Бу билан улар бу даврда интеллуктал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан етиладиган, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида жўш уриб меҳнат қиладиган, фойдали меҳнат билан шуғулланадиган палла деб изоҳ беришади.

Респондентларнинг 9,0% эса – етуклик даврида кишилар кўп нарсага эришадиган, олдига қўйган мақсадлари учун курашиш даври деб изоҳ беришади. Дарҳақиқат бу жараён эркак ва аёлларда турлича намоён бўлишича, кўпгина манбаларда ўз аксини топган. Масалан, бу ёшдаги эркаклар учун ҳаётда баъзи сабабарга кўра эриша олмаган мақсадларига эриши зарурлигини англаб, ўзининг жисмоний ва ақлий истеъдодларини тўла намоён қилишга ҳаракат қилишади. Синалувчиларнинг 9,0 % шу маънода етукликни маҳсулдорлик даври деб изоҳ беришади.

Тажрибада иштирок этганларнинг 8,3 % эса етуклик даврини ҳаётнинг бир палласи деб таъкидлашади. Иштирокчилар ўзларининг бу фикри билан, ҳаёт давомида ўзлаштириши мумкин ва лозим бўлган турли фазилатлар табиий таркиб топадиган, намоён бўладиган ҳаёт палласини назарда тутаётгандир, балки.

Шунингдек, сўровномада иштирок этганларнинг 7,5 % - ҳаётини жуда тез ўтиб бораётганлигига, олдига қўйилган мақсадларга эришиши учун вақт кам қолаётганлигига ишора қилишса, 6,8 % - ҳаётни англаш, борлиқ ҳақида, олам ҳақидаги тасаввурларини бойитиш учун қулай палла дейишади, 6,0 % респондентлар эса тажриба орттириш ва табиатнинг қонуни асосида рўй берадига ҳодиса деб изоҳлашади.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, етуклик даври – асосан фаоллик, ҳаётнинг қизғин даври, оила ва ишлаб чиқаришда, турмуш ва болалар тарбияси учун энг қулай фурсат эканлигини таъкидлашади.

Тажрибаларимизнинг иккинчи босқичида, биз юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, етуклик даврида респондентларнинг ташкилотчиликка

бўлган қобилятларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва уни қуйидаги тартибда олиб борилди.

Бу борада биз Э.Ғ.Ғозиевнинг баркамол инсонни баҳолаш методикасидан фойдаландик.

Баркамол инсонни баҳолаш тести Э.Ғ.Ғозиев томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у етти та блокдан иборат. Ҳар бир блок комил инсоннинг муайян фазилатлари ва хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади ҳамда ўзига хос функцияни бажаради. Етти та блокнинг бештаси асосий блок ҳисобланиб, уларнинг ҳар қайсиси 10тадан фазилат (хислат) ни ўз ичига қамраб олган. Биринчи ва еттинчи блоклар ёрдамчи деб номланиб, ўзига хос мураккаб тузилишларга эга бўлиб, шахснинг индивидуал хусусиятлари серкирралигини чуқурроқ ечиш учун ёрдам беради. Ушбу методика 1995 йилдан бери амалиётда қўлланилиб келинмоқда, шу маънода унинг ишончлилиги, валидлиги ва репрезентативлиги тадқиқотчида шубҳа туғдирмайди.

Қуйида методиканинг маънавий функционал ҳамда шаклий томонларига изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир. Методика моҳиятидан ўрин эгаллаган ҳар бир вазият **“Кучсиз”, “Ўртача”, “Кучли”** ва **“Ўрта кучли”** шкалаларига асосланиб жавоб беришга мўлжаллаганган. Умумий тузилишига биноан берилган тартибдаги вазият “1”, “2”, “3”, “4” баллар билан баҳоланади ҳамда “3”, “4”, “5”, “6” графалар билан белгиланади. Бир даврнинг ўзида иккита вазиятни белгилаш қатъиян ман этилади ва варақа бузилган ҳисобланади.

Асосий блокларда комил инсонга мутаносиб деб тавсия қилинаётган фазилат бор ёки йўқлиги аниқланиши билан бирга, унинг устуворлиги синалувчи томонидан таъкилаб ўтилиши кутилади. Бу билан қайси фазилатлар қўллаб-қувватланиши ва синалувчилар томонидан яна қандай хислатлар мавжуд бўлиши шартлиги таъкидланади.

Шуни алоҳида таъкилаб ўтиш жоизки, биринчи блок вазиятларига баҳо (балл) қўйилмайди, шунинг учун синалувчи тўғрисида маълумот олишга хизмат қилади, холос. Биринчи блок **“Шахс ҳақида умумий маълумот”** деб

номланиб, иштирокчининг фамилияси, исми шарифи, жинси, ёши, иш ва ўқиш жойи юзасидан материал тўплашга имкон беради.

Мазкур методиканинг **олтинчи блоки** “**Ташкилотчиликка қобилятлилик**” деб аталиб, у ўз таркибига ўнта вазиятни қамраб олгандир. Унинг номидан кўриниб турибдики, ташкилотчилик шахснинг муайян қобиляти сифатида полимодаллик (кўп кўринишлик) хусусиятига эга. Шунинг учун унинг турли хусусиятлари, таркиблари, кўринишлари, босқичлари, шакллари юзасидан муайян даражада маълумот тўплаш муҳим аҳамият касб этади. Улардан айрим намуналар келтириш тўғрисида кўзланган мақсад сари силжишни рўёбга чиқариш мумкин. Жумладан, “Ташкилотчилик нисбатан эҳтиёж сезишлик” (ички омил), “Ташкилотчилик фаолиятини суиистеъмол қилмаслик” (ташқи омил) ёки “Ташкилотчиликда ижодийлик ва ва ақл-заковатлилик” шулар жумласига киради. Унга нисбатан лаёқатлилик, муваққатлилик ёки барқарорлик сифатларининг мавжудлиги унинг мураккаб таркибларидан тузилганидан далолат беради.

Бундан ташқари, мазкур методиканинг яна бир қулайлик жиҳати ҳар қайси блок ва унинг ҳар бир вазиятига нисбатан муносабатини аниқлаш мақсадида математик статистик формулалардан фойдаланган ҳолда ишончлилик, валидлик, реперзентативлик мезонларини ўртаниш имконияти мавжуд. Эмпирик маълумотларнинг ўртача арифметик қиймати, квадрат оғиши, дисперсия, Стьюдент мезони орқали ишончлилик даражасини ўрнатиш имкони мавжуд.

Биз, тадқиқотларимизнинг мақсад ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, мазкур методиканинг олтинчи блокидан фойдаландик. У қуйидаги кўринишга эга:

ТАШКИЛОТЧИЛИККА ҚОБИЛИЯТЛИЛИК*(Э.Ғ.Ғозиев методикаси)*

№	Фазилат номи	Кучсиз	Ўртача	Кучли	Ўта кучли
1	Ташкилотчилликка эҳтиёж сезиш	1	2	3	4
2	Ташкилотчилик фаолиятини сууистеъмол қилмаслик	1	2	3	4
3	Фаолият моҳиятига мустақил кира билишлик	1	2	3	4
4	Жавобгарлик ва масъулият туйғусини ўз зиммасига олиш	1	2	3	4
5	Ташкилотчилик фаолиятини завқ-шавқ билан адо этишлик	1	2	3	4
6	Ташкилотчилик жараёнида ўзидан қониқиш ҳиссини инъикос қилишлик	1	2	3	4
7	Ташкилотчиликни удалашга бўлган лаёқат	1	2	3	4
8	Вазият ва шароитга нисбатан ташкилотчиликда муваққатлик ёки барқарорлик	1	2	3	4
9	Ташкилотчиликда тезкорлик ва самарадорлик сифатларида уйғунлик	1	2	3	4
10	Ташкилотчиликда ижодийлик ва ақл-заковатлилик	1	2	3	4

**Респондентларда ташкилотчилик қобилиятининг таркиб топганлиги
хақидаги дастлабки маълумотларнинг қиёсий даржалари:**

Жадвал № 6

№	Фазилатлар номи	Тадбиркорлик фаолиятини бошламасдан аввал	Тадбиркорлик фаолиятини бошлагандан сўнг	Абсолют ўсиши
1	Ташкилотчиликка эҳтиёж сезиш	3,6	4,5	0,9
2	Ташкилотчилик фаолиятини сууистеъмол қилмаслик	3,2	4,3	1,1
3	Фаолият моҳиятига мустақил кира олиш	3,4	4,3	0,9
4	Жавобгарлик ва масъулият туйғусини ўз зиммасига олишлик	3,7	4,6	0,9
5	Ташкилотчилик фаолиятини завқ-шавқ билан ижро этиш	3,6	4,6	1,0
6	Ташкилотчилик жараёнида ўзидан қониқиш ҳиссини инъикос қилишлик	3,2	4,0	0,8
7	Ташкилотчиликни уддалашга бўлган лаёқатлилиқ	3,4	4,2	0,8
8	Вазият ва шароитга нисбатан ташкилотчиликда муваққатлик ёки барқарорлик	3,9	4,8	0,9
9	Ташкилотчиликда тезкорлик ва самарадорлик сифатларида уйғунлик	3,2	4,3	1,1
10	Ташкилотчиликда ижодийлик ва ақл-заковатлик	3,6	4,6	1,0
Умумий ўртача		3,48	4.42	0,94

Ўртача баллар фарқларининг аҳамиятлик даражаларини текшириш учун Стьюдент критериясидан фойдаланамиз (t - критерий).

Бунда:

x' — респондентларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошламасдан аввал ташкилотчилик қобилятининг таркиб топганлиги ҳақидаги маълумотларнинг ўртача баллари;

x'' - респондентларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлагандан сўнг ташкилотчилик қобилятининг таркиб топганлиги ҳақидаги маълумотларнинг ўртача баллари;

Жадвал № 7

№	Фазилатлар номи	Тадбиркорлик фаолиятини бошламасдан аввал		Тадбиркорлик фаолиятини бошлагандан сўнг	
		x'_i	$(x'_i)^2$	x''_i	$(x''_i)^2$
1	Ташкилотчиликка эҳтиёж сезиш	3,6	12,96	4,5	20,25
2	Ташкилотчилик фаолиятини сууистеъмол қилмаслик	3,2	10,24	4,3	18,49
3	Фаолият моҳиятига мустақил кира олиш	3,4	11,56	4,3	18,49
4	Жавобгарлик ва масъулият туйғусини ўз зиммасига олишлик	3,7	13,69	4,6	21,16
5	Ташкилотчилик фаолиятини завқ-шавқ билан ижро этиш	3,6	12,96	4,6	21,16
6	Ташкилотчилик жараёнида ўзидан қониқиш ҳиссини инъикос қилишлик	3,2	10,24	4,0	16,00
7	Ташкилотчиликни уддалашга бўлган лаёқатлилиқ	3,4	11,56	4,2	17,64
8	Вазият ва шароитга нисбатан ташкилотчиликда муваққатлик ёки барқарорлик	3,9	15,21	4,8	23,04
9	Ташкилотчиликда тезкорлик ва самарадорлик сифатларида уйғунлик	3,2	10,24	4,3	18,49
10	Ташкилотчиликда ижодийлик ва ақл- заковатлик	3,6	12,96	4,6	21,16
Жами:		34,8	121,62	44,2	195,88

Тўпламнинг ўрта арифметик қийматини қуйидаги формула асосида топамиз:

$$\bar{x} = \frac{x_1 + x_2 + \dots + x_n}{n}$$

Бунда,

$$\bar{x}' = \frac{34,8}{10} = 3,48$$

$$\bar{x}'' = \frac{44,2}{10} = 4,42$$

Энди кўрсаткичларнинг дисперсияси топилади:

$$\sigma^2 = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n x_i^2 - \frac{n}{n-1} \cdot \bar{x}^2$$

$$\sigma_{x'}^2 = \frac{1}{9} \cdot 121,62 - \frac{10}{9} \cdot (3,48)^2 = 0,057$$

$$\sigma_{x''}^2 = \frac{1}{9} \cdot 195,88 - \frac{10}{9} \cdot (4,42)^2 = 0,056$$

Кўрсаткичларнинг ўртача хатоликларини қуйидаги формула ёрдамида топамиз:

$$m_x = \frac{\sigma_x}{\sqrt{n}} = \sqrt{\frac{\sigma_x^2}{n}}$$

$$m_{x'} = \sqrt{\frac{0,057}{10}} = 0,075$$

$$m_{x''} = \sqrt{\frac{0,056}{10}} = 0,074$$

Ўртача қийматларининг аҳамиятли фарқларини текшириш учун Стьюдент критериясидан фойдаланамиз:

$$t = \frac{\bar{X} - \bar{Y}}{\sqrt{m_x^2 + m_y^2}}$$

Қуйида X' ва X'' фарқларнинг аҳамиятлиги текширилади.

Бунда,

$$t_{\text{күз.}} = \frac{4,42 - 3,48}{\sqrt{0,057^2 + 0,056^2}} = 8,87$$

Жадвалдаги эркинлик даражасига кўра $f = 2n - 2 = 18$ да $t_{0,01} = 2,88$ га тенг.


Бинобарин, $t_{\text{күз.}} > t_{0,01}$ (**8,87 > 2,88**), демак X' и X'' қийматларнинг ўртача фарқлари 1% да аҳамиятли эканлиги исботланди.

Олинган маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, тадбиркорларнинг ташкилотчилик қобилиятлари уларнинг ўз фаолиятини бошламасдан аввал ва ундан кейинги тажрибалари ўртасида динамик ўсиш борлиги исботланди.

Маълумотлар ҳаикда янада яққол ва ёрқин тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги гистограммага мурожаат этамиз. (Чизма №1).

Унда респондентларнинг ташкилотчилик қобилиятлари тажрибадан аввал ва ундан кейин қай тарзда динамик ўсишга эга эканлиги кўрсатилган.

**Респондентларда ташкилотчилик қобилияти таркиб топганлиги
динамикаси кўрсаткичлари
(5-балли мезон асосида)**



Шартли белгилар:

- 1 – Ташкилотчиликка нисбатан эҳтиёж сезиш.
- 2 – Ташкилотчилик фаолиятни суистеъмол қилмаслик.
- 3 – Фаолият моҳиятига мустақил кира олиш.
- 4 – Ўз зиммасига жавобгарлик ва масъулият туйғусини олишлик.
- 5 – Ташкилотчилик фаолияти завқ-шавқ билан ижро этиш.
- 6 – Ташкилотчилик жараёнида ўзидан қониқиш ҳиссини инъикос этиш.
- 7 – Ташкилотчиликни уддалашга бўлган лаёқатлилик.
- 8 – Вазият ва шароитга нисбатан ташкилотчиликда муваққатли ва барақарорлик.
- 9 – Ташкилотчиликда тезкорлик ва самарадорлик сифатларида уйғунлик.
- 10 – Ташкилотчиликда ижодийлик ва ақл-заковатлик.

Эмпирик тадқиқотларимизнинг учинчи босқичида биз онтогенезнинг етклик даврида умргузаронлик қилаётган кишиларнинг ҳаёт йўлининг мазмунини ўрганишга қаратдик.

Маълумки, шахснинг ҳаёт йўли мазмуни ва моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқиш ва изланишлар методологик характерга эга. Зеро, у кишиларнинг яшашдан пировард мақсадини, уни бошқариши ва назорат қилиши, ўз ҳаётини ўзи яратишга ва таъминлашга хизмат қилади.

Шу маънода, биз эмпирик тадқиқотларимизнинг мазкур босқичида **Д.А.Леонтьев** томонидан ишлаб чиқилган **“Ҳаёт йўли мазмуни”** тести конструктидан фойдаландик.

Мазкур тест 20-та шкаладан иборат бўлиб, у биполяр характерга, яъни қарама-қарши полюсда жойлашган +3 дан – 3 гача бўлган оралиқдаги вазиятлардан иборат ўзларининг руҳий ҳолатини акс эттирувчи ҳолатларни белгилаши респондентлардан сўралди (Иловада кўрсатилган).

Тажрибада етуклик даврининг, асосан биринчи босқичига тўғри келадиган, яъни 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган етук шахсларнинг руҳий ҳолати ўрганилди (жами – 40 респондент). Тадқиқотимизда, асосан, тадбиркорлик ҳамда фаол ижтимоий фаолият билан шуғулланаётган эркак жинсидаги респондентлар иштирок этди. Улар таркибида, ўрта ва ўрта махсус ва олий маълумотли (4 респондент) шахслар ўз фикрини ҳолисона ва объектив тарзда билдиришди.

Олинган маълумотлар асосий компонентлар методини қўллаш ёрдамида фактор анализ қилинди ва унда 5 фактор ажралиб чиқди. Маълумотларнинг аҳамиятлик даражаси сифатида 0,40 фактор вазни критерияси белгиланди.

Жадвал № 8

Компонентлар матрицаси

	Компонента					
	1	2	3	4	5	6
VAR00001	,775*	,326	-,053	,262	-,295	-,076
VAR00002	,515*	,012	,418*	,428*	,493*	-,235
VAR00003	-,030	,824*	,294	,062	,126	,315
VAR00004	-,578	,388	,239	,526*	-,022	,003
VAR00005	,515*	-,266	-,267	,638*	-,252	,259
VAR00006	,277	-,259	,758*	-,207	-,306	,320
VAR00007	,727*	,344	-,047	-,122	-,326	-,342
VAR00008	,548*	-,549	,430*	,050	,156	-,051
VAR00009	,644*	-,050	-,550	-,039	,333	,311
VAR00010	,727*	,388	,072	-,417	,161	,063
VAR00011	,775*	,326	-,053	,262	-,295	-,076
VAR00012	,515*	,012	,418*	,428*	,493*	-,235
VAR00013	-,030	,824*	,294	,062	,126	,315
VAR00014	-,578	,388	,239	,526*	-,022	,003
VAR00015	,515*	-,266	-,267	,638*	-,252	,259
VAR00016	,277	-,259	,758*	-,207	-,306	,320
VAR00017	,727*	,344	-,047	-,122	-,326	-,342
VAR00018	,548*	-,549	,430*	,050	,156	-,051
VAR00019	,644*	-,050	-,550	-,039	,333	,311
VAR00020	,727*	,388	,072	-,417	,161	,063

Жадвалда аҳамиятга молик бўлган фактор юкламалари ўрин эгалаган.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили мавжуд вазиятларнинг муҳимлигига кўра, уларнинг кетма-кетлигини аниқлашга, шунингдек, вазиятлар мазмунига кўра муаяйн бир мантикий макон яратишга имкон берди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, уларнинг мазмун ва моҳиятини инобатга олиб, 5 та муҳим фактор қуйидагича ифодаланди, улар:

Биринчи фактор – (дисперсия фоизи – 33,14%) мавжуд 14 та компонентдан иборат – **“Ҳаётнинг қизиқарли ва эмоционал бойлиги фактори”** деб номладик, унга кўра, бу шахслар ғайрат-шижоат билан

яшаётганлиги, ҳаётида янги кунларни орзиқиб кутаётганлиги, уларнинг кундалик ҳаёти қизиқарли ишлар билан ўтаётганлигига ишора қилишса, баъзи ҳолатларда уларнинг ҳаётий қарашларида, кундалик ташвишлар уларнинг руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир курсатаётганлигига ишора қилиши кузатилди.

Иккинчи фактор – (дисперсия фоизи – 16,46%) бу жараён 2 та компонентни ўз ичига олиб, биз уни - **“Ҳаётининг мақсади фактори”** деб номладик, унга кўра, тажриба иштирокчилари – ҳаётдаги мақсадлари аниқ эканлигига, улар бу жараёнда масъулият билан ёндашаётганлигини айтишади.

Учинчи фактор – (дисперсия фоизи – 14,61%) бу фактор 5 омилни ўз ичига олиб, бу ҳолатни биз – **“Ҳаётини бошқариш ва ўзини ўзи назорат қилиш фактори”** деб ифодаладик, унга кўра – мазкур респондентлар ўз ҳаётини режа асосида амалга ошираётганлиги, осойишта умргузаронлик қилаётганлиги, ўз мақсадлари сари ишонч билан бораётганлиги қайд этилади.

Тўртинчи фактор – (дисперсия фоизи – 11,79%) бу фактор 6 компонентдан иборат бўлиб, биз бу жараёни – **“Ҳаётини танлаш ва табиий омиллар фактори”** деб атадик, бунга кўра, ҳар бир инсон ўз ҳоҳиш ва истагига кўра ўз ҳаёт йўлини танлаш ҳуқуқига, ўзидаги мавжуд табиий қобилиятлари ва имкониятларидан тўлақонли фойдаланишга эга эканлиги маълум бўлди.

Бешинчи фактор – (дисперсия фоизи – 7,72%) бу фактор 2 та омилдан иборат бўлиб, улар мазмун ва моҳиятига кўра – **“Яшаш тарзи ва мазмуни фактори”** деб номланади, унга мувофиқ мазкур тоифадаги кишиларнинг ҳаёт тарзи тинч ва осойишта ўтаётганлиги, атрофида кечаётган ўзгаришларни адекват ва тўғри идрок этаётганлиги, бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ижобий муносабатда эканлиги таъкидланади.

БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР:

Илмий ишимизнинг учинчи бобида етуклик даврининг психологик хусусиятларини эмпирик ўрганишга бағишланган маълумотлар ўрин эгаллаган.

Синов-тажриба ишлари бир неча босқичда олиб борилди. Чунончи, унинг биринчи босқичида онтогенезнинг “етуклик даври” ҳақида респондентларнинг тасаввур ва тушунчаларни билиш мақсадида контент-анализ методидан унумли фойдаланилди.

Тажрибанинг иккинчи босқичида Э.Ғ.Ғозиевнинг “Комил инсон” методи кўллашга муваффақ бўлди. Мазкур методиканинг **олтинчи блоки “Ташкилотчиликка қобилиятлилик”** деб аталиб, у ўз таркибига ўн та вазиятни қамраб олган. Олинган маълумотлардан маълум бўлишича, ижтимоий фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган инсонларда мазкур фаолиятни бошламасдан аввал ва ундан кейинги қарашларида кескин фарқ борлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизнинг учинчи босқичида Д.А.Леонтьевнинг “Ҳаёт йўли мазмуни” тестидан фойдаландик. Тажрибада 40 респондент иштирок этиб, улар 20 та саволга ўзларининг ҳаётий мақсади ва мазмуни, келажакдаги режалари ҳақидаги фикрларини билдиришди. Маълумотларни фактор анализ қилиш натижасида 5 та фактор ажралиб чиқди. Бу факторларни биз мазмун ва моҳиятига кўра номладик, тегишли статистик маълумотлар билан тўлдирдик.

Сўровномада иштирок этганларнинг аксарияти – етуклик даврини ёш даврининг энг қизғин ва жўшқин палласи эканлигини, бу даврда кишиларда ақлий ва ижодий салоҳияти юксалишини, маънавий дунёсининг кенгайиши, ишлаб чиқариш, фан ва ижодиётда энг юксак чўққиларни забт этиш учун қулай фурсат эканлигини таъкидлашди. Шу билан бирга, бу давр жуда тез ўтиб бораётганлиги, улар ҳаётда кўп нарсага эришишлари учун вақт етмаётганлигини таъкидлашади. Бу ўз навбатида кишиларнинг ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланишни, жамият ва халқ учун фидойи бўлишни, юртимиз равнақи учун ўзининг муносиб улушини қўшишини тақозо этади.

ЯКУНИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР:

Онтогенезнинг етуклик даврига оид илмий-назарий ва махсус адабиётлар таҳлили, шунингдек бу борада олиб борган тадқиқот ишларимиздан маълум бўлишича, етуклик даврини ўрганиш муаммоси ечимига доир ёндашувлар турлича ва қарама-қарши эканлигидан, ҳамда бу соҳа кам ўрганилганлигидан далолат берди. Айниқса, ҳозирги даврда кечаётган кескин ўзгаришлар ва тараққиёт манзарасида кишилардаги шахсий-ижтимоий, интеллектуал ва жисмоний фазилатлар ва қадриятлар мазмуни янада ўзгача маъно касб этиш манзарасида етуклик даврини ўрганишга бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда.

1. Тадқиқотимиз мукаддимасида сурилган фаразлар ўз тасдиғини тўлақонли топди, яъни етуклик даврининг субъект сифатида шаклланиши ва ривожланиши унинг ижтимоий фаоллигига, ўзини-ўзи адекват баҳолашига, актив фаолиятининг мазмунига, кечаётган ислоҳот ва борлиққа нисбатан тўғри муносабатларида шаклланади;
2. Етуклик даврининг субъектлик мезонларига шахснинг ўз-ўзига бўлган муносабатида, ҳаёти йўли мазмунини тўғри англаб етишида, етукликни индивидуал тарзда идрок этиши каби мезонлари ҳисобланади;
3. Етуклик даврининг субъект мазмуни шахс таркибини ташкил этувчи компонентлар: биологик омиллар, юксак билиш жараёнлари ва унинг индивидуал ҳаёт тажрибаси билан бир қаторда, ижтимоий омиллар, чунончи установкалар, қизиқиши ва эътиқоди, қарашлари, ижтимоий норма ва идеаллари, ўз ҳаётини англаб етиши ва адекват баҳолаши, ижтимоий-норматив йўналиши ҳамда эмоционал-бошқарув хусусиятларига боғлиқ;
4. Етуклик даврининг субъект сифатида ривожланишининг муҳим шартларига, унинг кечаётган ўзгаришларга нисбатан мослашувчанлигида ва мазкур даврни ижтимоий актив фаолият позицияси ва мазмунини бойитиш ташкил этади;
5. Контент-анализ усули ёрдамида синалувчиларнинг етуклик даври ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари аниқланди, унга кўра, бу давр

онтогенезнинг энг юқори сермахсул ва ижод чўққисини эгаллаш учун, барча соҳада ўз қобилият ва имкониятларини сафарбар қилиш учун қулай давр эканлиги таъкидланди;

6. Э.Ғ.Ғозиевнинг **“Ташкилотчиликка қобилиятлилиқ”** методи ёрдамида етуклик даврида ижтимоий фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг психологик хусусиятлари ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, уларда тажрибадан аввал ва ундан кейинги руҳий ҳолатларида жиддий ўзгариш борлиги статистик аниқланди;
7. Д.А.Леонтьевнинг **“Ҳаёт йўли мазмуни”** тести асосида етук кишиларнинг ҳаётга бўлган муносабати аниқланди. Тажрибада 40 респондент иштирок этиб, улар 20 та саволга ўзларининг ҳаётий мақсади ва мазмуни, келажакдаги режалари ҳақидаги фикрларини билдиришди. Маълумотларни фактор анализ қилиш натижасида 5 та фактор ажралиб чиқди. Бу факторларни биз мазмун ва моҳиятига кўра номладик, тегишли статистик маълумотлар билан тўлдирилди ва тавсиф берилди;
8. Ижтимоий фойдали меҳнат ва ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган мазкур ёшдаги шахсларнинг шахсий сифатларида аввалги қарашларга нисбатан кескин ўсиш ва ривожланиш борлиги, олам, одамлар ва ўзига нисбатан муносабатларидаги ўзгаришлар сифат жиҳатидан фарқли аҳамияти статистик усуллар ёрдамида аниқланди;
9. Тадқиқот давомида олинган назарий ва амалий маълумотлар мазкур муаммонинг тўлақонли ечимига тўла даъвогар бўла олмайди, балки бу соҳанинг маълум бир қисмини ҳал этишга қаратилган бўлиб, тадқиқотчи ва соҳа мутахассислари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади деган умид билдирамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.Т."Ўзбекистон".2016 й. 14 бет.
2. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.Т."Ўзбекистон".2017 й.
3. "Таълим тўғрисида"ги қонун. – Т.: 1997
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.:1997
5. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. – Т.: 2002
6. "Таълим тўғрисида"ги қонун. – Т.: 1997
7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.:1997
8. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. – Т.: 2002
9. Абу Али ибн Сина. Избранные философские труды. – Т.: 1979, 792 с.
- 10.Абу Наср Фараби. Философские трактаты. – Т.: 1970, 568 с.
- 11.Абульханова-Славская К.А. Деятельность и психология личности. – М.:1980
- 12.Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. – М.:1995
- 13.Альперович В. Социальная геронтология. – Ростов Н/Д, 1997
- 14.Андреева Г.М.. Социальная психология. – М.: 2003
- 15.Ананьев Б.Г. О принципах современного человекознания. – М., 1977
- 16.Асмолов А.Г. Психология личности. – М.:1990
- 17.Божович А.И. Личность и ее формирование в детском возрасте. - М., 1968
18. Бурменская И. Американская психология развития. – М., 1989
19. Выготский Л.С. Психология развития человека. – М.: 2005
- 20.Гомезо М.В., Герасимова В.С., Горелова Г.Г., Орлова Л.М. Возрастная психология. Личность от молодости до смерти. – М.:2001
- 21.Давлетшин М.Г. Психологические основы обучения. – Т.: 1978
- 22.Джемс В. Личность. – В книге. Психология личности. – М.: 1982
- 23.Жо Годфруа. Что такое психология. В 2-х т. – М.: 1992
- 24.Зейгарник Б.В. Теории личности в зарубежной психологии. –М.: 1982
25. Кан-Калик В.А. Грамматика общения. – М.:1995
- 26.Каримова В.М. Психология. – Т.:2002
- 27.Карпенков С.Х. Концепции современного естествознания. – М., 1997
- 28.Клапаред Э. Психология ребенка и экспериментальная педагогика. - СПб.: 1911.
- 29.Ковалев А.Г., Мясищев В.Н. Психологические особенности личности. – Л., 1960, Т-2
- 30.Кон И.С. Открытие себя. – М.: 1978
- 31.Кон И.С. В поисках себя. – М.: 1984
- 32.Кочетов А.И. Теория формирования личности. – Минск, 1997
- 33.Крайг Г., Бокум Д. Психология развития. (Учеб. пос.) – Питер, 2005
- 34.Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: 1975

35. Леонтьев А.Н. Очерки психологии личности. – М.:1993
36. Ломов Б.Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии. – М.:1984
37. Лурия А.Р. Язык и сознание. – М.: 1979
38. Маслоу А. Мотивация и личность. – СПб.: 1999
39. Маслоу А. Дальние пределы человеческой психики. – СПб.: 1997
40. Мясищев В.Н. Личность и неврозы. – Л.:1960
41. Петровский А.В. Личность в психологии. – Ростов Н/Д, 1996
42. Пиаже Ж. Психология интеллекта. В кн.: Избранные психологические труды. – М., 1992
43. Реан А.А. Психология личности. – М.: 2007
44. Рогов Е.И. Эмоции и воля. – М.: 2001
45. Руденский Е.В. Социальная психология. – М.:1998
46. Рубинштейн С.Л. Принцип творческой самодеятельности // Вопросы психологии, 1986, №4
47. Слободчиков В.И., Исаев Е.И. Психология человека. – М.:1995
48. Степанова Е.и. Психология взрослых: экспериментальная акмеология – СПб.: 2000
49. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. Социальная психология. – Ростов Н/Д, 2009
50. Фельдштейн Д.И. Психология становления личности. – М.:1994
51. Франкл В. Человек в поисках смысла. - М.: 1990.
52. Фрейд З. Психология бессознательного. – М.,1990
53. Хьелл Л, Зиглер Д. Теории личности. - СПб., 2001
54. Холл К., Линдсей Г. Теории личности – М.:1999
55. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. – М.:1996
56. Ғозиев Э. Психология (Ёш даврлари психологияси). – Т.: 1994
57. Ғозиев Э. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси. – Т.:2003
58. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т.: 2010
59. WWW.I-U.RU
60. <http://textshare.tsx.org>
61. <http://www.mgimo.ru/filesserver/>
62. <http://www.ssu.runnet.ru/...>
63. http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch_14.htm

ИЛОВАЛАР:

Илова №1

Етуклик даврини субъектив баҳолаш бўйича частотали таҳлил жадвали (Контент-анализ методи)

№	Таҳлил учун категориялар	Танланган тушунчалар миқдори	%
1	Ҳаётнинг бир палласи		
2	Заифлик, кучсизлик		
3	Ҳаётни англаш, таҳлил қилиш		
4	Тажриба орттириш		
5	Табиат қонуни		
6	Ҳаётнинг аста-секин якун топиши		
7	Маҳсулдорлик		
8	Ақл-идрок, заковат		
9	Ҳурмат-эҳтиром		
10	Фаоллик, жўшқинлик		
11	Янгича ҳаёт тарзи		
12	Кўп нарсага эришишим керак! – қабiliда яшаш		
13	Ҳаётда кўп нарсадан кеч қолаяпман – қабiliда яшаш		
14	Умрим жуда тез ўтиб бормокда, улгурмаяпман –қабiliда яшаш		
15	Тоат-ибодат даври		
16	Сустлик, бўшашганлик даври		
Жами			

Илова №2

ТАШКИЛОТЧИЛИККА ҚОБИЛИЯТЛИЛИК

(Э.Ғ.Ғозиев методикаси)

№	Фазилат номи	Кучсиз	Ўртача	Кучли	Ўта кучли
1	Ташкилотчилликка эҳтиёж сезиш	1	2	3	4
2	Ташкилотчилик фаолиятини сууистеъмол қилмаслик	1	2	3	4
3	Фаолият моҳиятига мустақил кира билишлик	1	2	3	4
4	Жавобгарлик ва масъулият туйғусини ўз зиммасига олиш	1	2	3	4
5	Ташкилотчилик фаолиятини завқ-шавқ билан адо этишлик	1	2	3	4
6	Ташкилотчилик жараёнида ўзидан қониқиш ҳиссини инъикос қилишлик	1	2	3	4
7	Ташкилотчиликни удалашга бўлган лаёқат	1	2	3	4
8	Вазият ва шароитга нисбатан ташкилотчиликда муваққатлик ёки барқарорлик	1	2	3	4
9	Ташкилотчиликда тезкорлик ва самарадорлик сифатларида уйғунлик	1	2	3	4
10	Ташкилотчиликда ижодийлик ва ақл-заковатлилик	1	2	3	4

Илова №3

Опросник СЖО (Д.А.Леонтьев)
(Тест смысложизненных ориентаций)

Инструкция: Вам будут предложены пары противоположных утверждений. Ваша задача – выбрать одно из двух утверждений, которое, по Вашему мнению, больше соответствует действительности, и отметить одну из цифр 1,2,3 в зависимости от того насколько Вы уверены в выборе (или 0, если оба утверждения на Ваш взгляд одинаково верны).

1	Обычно мне очень скучно	3	2	1	0	1	2	3	Обычно я полон энергии
2	Жизнь кажется мне всегда волнующей и захватывающей	3	2	1	0	1	2	3	Жизнь кажется мне совершенно спокойной и рутинной
3	В жизни я не имею определенных целей и намерений	3	2	1	0	1	2	3	В жизни я имею очень ясные цели и намерения
4	Моя жизнь представляется мне крайне бессмысленной и бесцельной	3	2	1	0	1	2	3	Моя жизнь представляется мне вполне осмысленной и целеустремленной
5	Каждый день кажется мне всегда новым и непохожим на другие	3	2	1	0	1	2	3	Каждый день кажется мне совершенно похожим на все другие
6	Когда я уйду на пенсию, я займусь интересными вещами, которыми всегда мечтал заниматься	3	2	1	0	1	2	3	Когда я уйду на пенсию, я постараюсь не обременять себя никакими заботами
7	Моя жизнь сложилась именно так, как я мечтал	3	2	1	0	1	2	3	Моя жизнь сложилась совсем не так, как я мечтал
8	Я добился успехов в осуществлении своих жизненных планов	3	2	1	0	1	2	3	Я осуществил многое из того, что было мною запланировано в жизни
9	Моя жизнь пуста и неинтересна	3	2	1	0	1	2	3	Моя жизнь напоена интересными делами
10	Если бы мне пришлось подводить сегодня итог моей жизни, то я бы сказал, что она вполне осмысленной	3	2	1	0	1	2	3	Если бы мне пришлось подводить сегодня итог моей жизни, то я бы сказал, что она имела смысла
11	Если бы я мог выбирать, то я бы построил свою жизнь совершенно иначе	3	2	1	0	1	2	3	Если бы я мог выбирать, то я бы прожил жизнь еще так же, как живу сейчас
12	Когда я смотрю на окружающий меня мир, он часто приводит меня в растерянность и беспокойство	3	2	1	0	1	2	3	Когда я смотрю на окружающий меня мир, он совсем не вызывает у меня беспокойства и растерянности
13	Я человек очень обязательный	3	2	1	0	1	2	3	Я человек совсем не обязательный
14	Я полагаю, что человек имеет возможность осуществить свой жизненный выбор по	3	2	1	0	1	2	3	Я полагаю, что человек лишен, возможности выбирать, из-за влияния природных способностей и

	своему желанию								обстоятельств
15	Я определенно могу назвать себя целеустремленным человеком	3	2	1	0	1	2	3	Я не могу назвать себя целеустремленным человеком
16	В жизни я еще не нашел своего призвания и ясных целей	3	2	1	0	1	2	3	В жизни я нашел свое призвание и цель
17	Мои жизненные взгляды еще не определились	3	2	1	0	1	2	3	Мои жизненные взгляды вполне определились
18	Я считаю, что мне удалось найти призвание и интересные цели в жизни	3	2	1	0	1	2	3	Я едва ли способен найти призвание и интересные цели в жизни
19	Моя жизнь в моих руках, и я сам управляю	3	2	1	0	1	2	3	Моя жизнь не подвластна мне и она управляется внешними событиями
20	Мои повседневные дела приносят мне удовольствие и удовлетворение	3	2	1	0	1	2	3	Мои повседневные дела приносят мне сплошные неприятности и переживания